Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

11 август 1972 йил, жума ◆ № 187 (15.358). ◆ Баҳоси 2 тийин.

ССР 50 ЙИЛ

ЮБИЛЕЙ ЙИЛИ КАТТА ХИРМОНИ УЧУН

✦ ✦

МУСОБАҚАДОШЛАР РЕСПУБЛИКАМИЗ ПАХТА ДАЛАЛАРИДА

✦ ✦

СУТ ДАРЕСИНИ КУПАЙТИРАЕТГАНЛАР

✦ ✦

ТАШАББУСГА КЕНГ ЙУЛ

ЧОРВАЧИЛИК МАҲСУЛДОРЛИГИНИ ОШИРАЙЛИК!

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Оҳангарон чорвадорларининг 1972—1976 йилларда чорвачиликни янада ривожлантириш учун олган социалистик мажбуриятларини маъқуллади.

Область ва район партия комитетларига, колхоз ва совхозларнинг бошланғич партия ташкилотларига, Оҳангарон районининг тадбирларини муҳокама қилиб, шу асосда фермаларда чорвачиликка доир юбилей социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажариш учун ташкилотчилик ишини авж олдириб юбориш, шу тариқа гўшт, сут ва қишлоқ хўжалигининг бошқа маҳсулотларини етиштириш ҳамда давлатга сотишни анча кўпайтиришга эришиш топширилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Ўзбекистон ССР совхозлар, озиқ-овқат саноати, қишлоқ хўжалик, мелиорация ва сув хўжалиги министрликларига ва «Узсельхозтехника» республика бирлашмасига — Оҳангарон райони совхозлари чорвачиликни юксалтириш юзасидан олган юксак мажбуриятларининг бажарилишини таъминлашда уларга ҳар томонлама ёрдам беришни топширди.

Республика ва область газеталарининг редакцияларига, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетига Оҳангарон районининг янги юксак социалистик мажбуриятлари қандай бажарилаётганлигини кенг ёритиб бориш топширилди.

✦ ✦

ОҲАНГАРОН РАЙОН ЧОРВАДОРЛАРИНИНГ 1972—1976 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

Район қишлоқ хўжалик ходимлари КПСС XXIV съезди қарорларини бажара бориб, жамоат чорвачилигини ривожлантириш юзасидан юксак марраларни белгилаб олдилар.

Биз илғор тажрибага таяниб, ички хўжалик резервларини ўрганиб, илгари олинган мажбуриятларни қайта кўриб чиқдик ва қишлоқ хўжалигини, аввало, унинг етакчи тармоғи бўлган чорвачиликни ривожлантириш юзасидан 1972—1976 йиллар учун янада юксак вазифаларни белгиладик.

1976 йилда қорамоллар 26 минг бошга етади ва шу йилнинг бошидагидан 2 баравар кўпаяди.

Сигирлар 1971 йилдаги 4,2 минг бош ўрнига 6 минг бошга етади ёки 76 процент кўпаяди. Гўшт етиштиришни кўпайтириш учун чўчқачиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилади. Чўчқалар сони ҳозир қурилаётган чўчқачилик комплекси имкониятларини ҳам ҳисобга олганда 84 минг бошга етади ёки 7,8 баравар кўпаяди. Районда гўшт ва жун қўйчилиги ривожлантирилади, қўй ва эчкилар туёғи 66 процент кўпайиб, 114,5 минг бошга етади. Йилқилар туёғи 35,6 процент, урғочи қуёнлар 13 баравар, тухумга кирган паррандалар 2 баравар кўпаяди.

Подани урчитиб кўпайтириш ва ёш молларни боқиш яхшиланади, сут ва гўшт берадиган чорвачилик ва қўйчиликдаги наслчилик иши йўлга қўйилади.

Чорва ва парранда маҳсулдорлигини ошириш чораларини бажариш ҳам белгиланди, сут соғиб олиш ўрта ҳисобда 2800 килограммга етказилади ёки 600 килограмм кўпайтирилади. Гўштга топшириладиган қора молнинг ўртача вазни 400 килограммга, қўйнинг вазни 50 килограммга, чўчқанинг вазни 115 килограммга етказилади, тухумга кирган ҳар бир товуқдан йилига 135 донадан тухум олинади.

Ана шуларнинг ҳаммаси чорвачилик маҳсулотларини етиштириш ва давлатга топширишни анча кўпайтириш имконини беради.

Район совхозларида гўшт етиштириш 1976 йилнинг охирига бориб тирик вазнда 10 минг тоннага етади ёки 1971 йилда эришилган даражадан 4,8 баравар ортади, сут етиштириш 5,8 минг тоннадан 15 минг тоннага етиб, 2,6 баравар, тухум етиштириш 1,8 миллион донадан 5,4 миллион донага етиб, 3 баравар, жун етиштириш 139 тоннадан 286 тоннага етиб, икки баравар кўпаяди.

Маҳсулот етиштиришни, чорва туёғи ва паррандаларни бу қадар кўпайтириш, уларнинг маҳсулдорлигини ошириш — мураккаб ва масъулиятли вазифадир. Лекин у бемалол бажарса бўладиган реал вазифа ҳамдир. Чорвачиликни бундай юксалтиришда озуқа базасини мустаҳкамлаш ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади.

Районда янги ерларни ўзлаштириш ва уларнинг сув таъминотини яхшилаш иши жуда кучайтириб юборилади. Дон, сабзавот, полиз экинлари маҳсулотлари, картошка, мева ва узум етиштиришни кўпайтириш билан бирга озуқа экинлари майдони кенгайтирилади, уларнинг ҳосилдорлиги оширилади. Ерлардан янада самаралироқ фойдаланамиз, экинларни бирга қўшиб, такрор экиладиган ва қатор ораларига экиладиган майдонларни кенгайтирамиз.

Райондаги ҳамма совхозлар бедани маккажўхорига қўшиб эрта кўкламда экиб оладилар, уларни сифатли парвариш қиладилар, озиқлантирадилар, суғорадилар ва гектар бошига камида 400 центнер маккажўхори кўкпояси ва 40 центнер беда пичани оладилар.

Бундан ташқари эртаги экинлар ҳосили йиғиштириб олинганидан кейин силос ва кўкпоя учун такрорий маккажўхори экилади.

Озуқабоп экинлар майдони 18 минг гектардан 22,7 минг гектарга етказилади ёки 24,5 процент кўпайтирилади, шу жумладан бедапоялар 3,3 минг гектардан 7,6 минг гектарга етказилади. Суғориладиган ерлардаги бедапоя ҳосилдорлиги гектар бошига 140 — 150 центнерга, лалмикор ерларда 40 — 50 центнерга етказилади.

Дон олиш учун экиладиган маккажўхори майдони икки баравар, силос ва кўкпоя учун экиладиган маккажўхори майдони эса 44 процент кенгайтирилади, маккажўхори донининг ҳосили гектар бошига 50 центнерга ва кўкпояси 500 — 600 центнерга етказилади.

Илдиз мевали экинлар етиштириш 20 минг тоннага етказилади ёки эришилган даражадан беш баравар кўпайтирилади.

Район хўжаликларида озуқа тайёрлаш ва уни қайта ишлашнинг прогрессив методлари актив жорий этилади. Дағал хашакнинг ҳаммаси молларга келтирилган ва майдаланган ҳолдагина бериладиган бўлади.

Озуқани донадор ҳолда тайёрлаш, сенаж тайёрлаш ва витаминли ўт талқони тайёрлаш кенг қўлланилади.

Ҳамма хўжаликларда озуқа цехлари қурилади.

Ана шу тадбирларни амалга ошириш натижасида жамоат чорвачилиги дағал-ширали ва концентрат озуқалар билан тўла-тўкис таъминланади.

Чорвачилик биноларини қуришга, фермалардаги сермеҳнат жараёнларни механизациялашга катта эътибор берилиб, шу тариқа меҳнат сарфи анча қисқартирилади ва маҳсулот таннархи камайтирилади.

1976 йил охиригача чорвачиликдаги ишларни механизациялаш даражаси: сут соғишда 90 процентга, озуқа беришда 70 процентга, гўнг тозалашда 75 процентга, мол суғоришда 95 процентга, қўйларнинг жунини олишда 100 процентга етказилади.

Кундалик ишимизда чорвадор кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишга, уларни семинарлар ва курсларда тайёрлаш ва қайта тайёрлашга кўпроқ эътибор берилади, шу йўл билан ҳамма чорвадорлар ўз ишининг малакали усталарига айлантирилади.

Район меҳнаткашлари Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил этилганлигининг 50 йиллик юбилейи шарафига бошланган социалистик мусобақага қўшилиб беш йилликнинг иккинчи йили топшириғини муддатидан аввал бажарадилар ва Оҳангарон райони қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшадилар.

Ромитан районидаги «Октябрь» колхози чорвадорлари силосбоп маккажўхори ўриб-йиғиб олиш ва силос бостириш ишларини уюшқоқлик билан ташкил этганлар. Илғор комбайнчи, КПСС аъзоси Ш. Халилов кунига 10-12 гектар майдондаги маккажўхорини ўриб олиб, кўпчиликка ўрнак бўлаётир. Суратда: Ш. Халилов ўз комбайни ёнида.

Ш. Мўминов фотоси.

Сурхондарё областида сут дарёсини тошираётганлар кўп. Илғор чорвадорлар сигирлардан соғиб олинаётган сутни кундан-кунга кўпайтиряптилар. Фотомухбиримиз А. Тўраев ферма юлдузларини суратга олиб қайтди. Суратларда: 1. Денов районидаги Куйбышев номли колхознинг илғор сут соғувчиси Т. Тошева. 2. «Хазорбоғ» совхозининг илғор сут соғувчиси М. Жўраева, Ульянов номли колхознинг сигир соғувчиси А. Абдураимова. 3. «Хазорбоғ» совхозининг донгдор сут соғувчиси Р. Жўраева. 4. Денов районидаги «Октябрь 50 йиллиги» колхозининг сут соғувчиси М. Саидова.

СИРДАРЁ РАПОРТИ

Сирдарё областида 223 минг гектар майдоннинг ҳаммасидаги ғўза чеканка қилиб бўлинди. Бу иш қисқа муддатда — бир ҳафта мобайнида 1500 та махсус машина ёрдамида бажарилди. (ЎзТАГ).

Мусобақадошлар пахта далаларида

ҚИММАТЛИ МАСЛАҲАТЛАР

САМАРҚАНД. («Совет Ўзбекистони» мухбири). Озарбайжон пахтакорларининг ўзаро текшириш бригадаси бир неча кундан бери Самарқанд областининг колхозлари ва совхозларида социалистик мусобақа шартларининг бажарилишини кўздан кечирмоқдалар. Бригада икки группага бўлиниб Каттақўрғон, Нарпай, Хатирчи, Пастдарғом, Пайариқ, Оқдарё, Иштихон районларидаги кўпчилик хўжаликларда бўлди. Илғор колхозлар эллик центнерчи, қирқ центнерчи бригадалар ишини кўриб қувондилар. Мусобақадошларнинг тажрибаларини синчиклаб ўргандилар.

Пастдарғом районидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли Карл Маркс номли, Каттақўрғон районидаги «Чимбойобод» Крупская номли, Ленин номли, Нарпай районидаги «Коммунизм», Калинин номли, Хатирчи районидаги «КПСС XXII съезди», Чкалов номли ва бошқа хўжаликларнинг мўл ҳосил учун олиб бораётган ибратли ишлари меҳмонларни мамнун этди. Карл Маркс номли колхоз юбилей йилида давлатга 10 минг тонна пахта етказиб беришга аҳд-паймон қилган. Колхоз раиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Жониқул Юсупов колхозчиларнинг бу борада кўраётган тадбирларини мусобақадошларга ҳикоя қилиб берди.

Мусобақадошлар ғаллачилик, чорвачилик, сабзавот ва картошка етиштириш билан қизиқдилар. Каттақўрғон ва Пастдарғом районларидаги йирик чорвадор хўжаликларида бўлиб гўшт, сут ва бошқа маҳсулотларни кўпайтириш юзасидан қимматли маслаҳатлар бердилар ва конкрет таклифлар қилдилар.

Мусобақадошлар шу билан пахтакор колхозларда меҳнатни ташкил қилиш, оммавий-сиёсий ишларда бир қанча камчиликлар борлигини таъкидлаб ўтдилар. Баъзи жойларда ғўзалар ўсишдан орқада қолаётганлиги аниқланди. Мавжуд техника воситалари ғўза парваришига сафарбар этилмаётганлигини дўстона танқид қилдилар. Айрим жойларда ғўзаларга ҳашарот тушган бўлсада, бунга қарши кескин чоралар кўрилмаётганлигини кўрсатиб ўтдилар.

Л. ЭРГАШЕВ.

✦ ✦

БУХОРО. («Совет Ўзбекистони» мухбири). Бир неча кундан буён мусобақадош Туркманистон ССР пахтакорларининг вакиллари Бухоро области далаларида СССРнинг 50 йиллиги шарафига олинган социалистик мажбуриятлар қандай бажарилаётганлигини кўздан кечириб, қимматли маслаҳатлар бермоқдалар. Мурғоб район қишлоқ хўжалик бошқармасининг бош инженери ўртоқ А. Чорибердиев бошлиқ бир группа мусобақадошлар Свердлов райони хўжаликларида бўлиб, ғўзаларни парваришлаш, озиқлантириш, суғориш ишлари бир-бирига боғлаб олиб борилаётганидан мамнун бўлдилар.

Райондаги Ҳамза номли колхознинг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. Кўкламов, Охунбобоев номли колхознинг республикада хизмат кўрсатган механизатор Р. Саидов, «Ленинград» колхозининг республикада хизмат кўрсатган пахтакор Т. Муродов каби эллик центнерчилар ҳаракатига қўшилган ўнлаб пешқадам бригадаларда юксак мажбуриятни тўла-тўкис қоплайдиган ҳосил етиштирилгани меҳмонларни қувонтирди. Мазкур коллективда ғўзалар машина теримига мослаб калта бўғин, серҳосил қилиб ўстириляпти.

Айни маҳалда мусобақадошлар мавжуд камчиликларни ҳам юз-хотир қилмай рўй-рост очиб ташладилар. Гагарин номли, Ўзбекистон, Ленин номли, Навоий номли колхозларда ғўзани бостириб суғориш, сифатсиз ишлов бериш, пала-партиш озиқлантириш каби ярамас фактлар содир бўляпти. Жуда кўп жойларда тракторларнинг ишчи органлари яхши созланмаган, ғўзани суғориш маҳалида «шарбат» оқизиш кенг жорий этилмаётир.

Қардош Туркманистон пахтакорларининг вакиллари областнинг Қоракўл, Бухоро, Ғиждувон, Ромитан, Вобкент ва бошқа районларининг колхоз, совхозларида ҳам ўз касбдошларига қимматли маслаҳатлар бердилар.

Т. НАЗИРОВ.

РИШТОНДА ГАП КЎП-У...

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» РЕЙДИ

Риштон райони пахтакорларининг бу йилги ҳимматлари баланд. Улар ҳосилдорликни гектар бошига 26,8 центнерга кўтариб, давлатга 35 минг тонна пахта топширамиз деб, эл-юрт олдида сўз берганлар. Райондаги талайгина пахтакор хўжаликларнинг деҳқонлари сўзларининг устидан чиқиш учун жон куйдириб меҳнат қилмоқдалар. Барча қийинчиликларни тадбиркорлик билан енгиб, ғўзани кунда яшнатмоқдалар, мўл ҳосил тўпламоқдалар. Ленин номли, «Коммунизм», Навоий номли колхозларда ғўзалар мўл ҳосилдан дарак бериб турибди.

Лекин, бошқа хўжаликларда ҳам меҳнат интизоми мустаҳкамми? Ҳал қилувчи ой бўлмиш августнинг ҳар кунидан унумли фойдаланиляптими? Техникадан фойдаланиш қониқарлими? Сув исроф қилинмаяптими? Афсуски, бу саволга «Риштон» совхозининг аксари бўлимларида, қатор хўжаликларда салбий манзараларни кўрасиз.

Мана, мисоллар. «Риштон» совхозининг «Хуррамобод» бўлимига қарашли Орифжон Солиев бошлиқ бригадада бўлганимизда уватга «намойишга» қўйилган чопиқ тракторини кўрдик. Тракторга ўша куни соат 2 ларгача ҳеч ким қиё боқмаган ҳам. «Нега шундай бўлди?» деб сўрасак, тракторчи Раҳмонали Шарипов уй ишлари билан овора эдим дейди лоқайдгина. Тракторнинг культиваторини текшириб кўрилганда, 23 ишчи органидан 17 таси ейилиб кетгани маълум бўлди... Ҳафсалани карангки, на тракторчи, на участка механиги К. Ғафуров бунга эътибор берган. Буни бўлим бошқарувчиси ўртоқ А. Қодировга айтсак у:

— Ё тавба, шундоқ бўлибдими? — деб ажабланиб қўя қолди. Бўлим 495 гектар ерда пахта етиштиряпти. Гектаридан 26 центнердан хирмон кўтаришга сўз берилган. Лекин, очиғини айтганда, долзарб шу кунларда бўлимда меҳнат интизоми бўшашиб кетган. Юқорида номи қайд этилган бригадада ўша кунлари 14—17 киши сабабсиз ишга чиқмаган. Атиги 5,5 гектар ерда чеканка ўтказилган.

«Большевик» бўлимида эса, сувдан тежаб-тергаб фойдаланиш ўрнига уни беҳудадан-беҳуда исроф бўлишига йўл қўйиляптики, совхоз раҳбарлари бу масалага ҳам панжа орасидан қараётганликлари ҳайрон қилади кишини. Бўлимдаги Н. Йўлдошева раҳбарлик қилаётган 8-бригада сувчиси Солижон Тиллабоев 50 литр сувни беҳуда оқизиб 50 сотих жойда «кўл» ҳосил қилган...

Э. Шафиев «тараган» сув эса кўчаларни кўллатиб юборган. 7-бригаданинг 20 гектарлик ғўзасига сув таралганига 17 кун бўлган бўлса-да, бу иш ҳамон ниҳоясига етмабди. Баъзи эгатларда сув ғўзани кўллатиб қўйган, баъзи эгатларда эса ўсимлик қовжираб ётибди. Сувчи Қўзи Деҳқоновнинг суғоришдаги бу услубига, афтидан на совхоз директорининг, на агрономининг ва на бригада бошлигининг назари тушган...

Калинин номли колхозда бундан ҳам ачинарлироқ фактларга дуч келдик. Хўжаликда жами пахта майдонининг деярли ярми — 350 гектарга яқин ердаги ғўзалар ривожланишдан қолган. Катта-катта майдонларни кўкқурт, ўргимчаккана босиб кетган. Агар зудлик билан таъсирли чоралар кўрилмаса, ҳосил тақдири хавф остида қолиши мумкин. Лекин колхоз раиси А. Узоқов ва партия ташкилотининг секретари Г. Жаббаров ўртоқлар қолоқлик хусусида гап очилса, арзу шикоятдан нарига ўтмаётирлар.

Хўжаликда сувсизликдан шоналарини тўкаётган ғўза майдонларини кўп учратасиз. Ҳақиқатан ҳам сув танқис. Лекин, боридан ҳам ўта ҳафсаласизлик билан фойдаланиляпти. А. Содиқов бошлиқ бригада сувчиси М. Маматқулов 0,60 гектар ғўзага 40 литр сувни тузаб, даладан кетиб қолганлиги учун сув эгатларни ювиб кўчаларга тошиб кетган. Ҳолбуки, бу сув билан қанча майдондаги кўчатни суғориш мумкин эди.

Колхозда ҳар куни олтмиш-етмиш киши сабабсиз ҳолда далага чиқмайди. Меҳнат интизоми бўшашиб кетган. 350 гектар майдондаги ғўзаларда ҳосилнинг ниҳоятда пастлигини худди шу билан изоҳлаш керак. Қарийб 200 гектар ердаги ғўзалар эса ёввойи ўт ичида қолган.

Райондаги Киров номли колхозда (раиси М. Ҳакимова, партия ташкилоти секретари М. Мўминов) ҳам ана шундай ачинарли фактлар устидан чиқдик. Колхозда хусусан, культивация устидан етарли назорат қилинмайди. Тракторчиларга конкрет топшириқ берилмайди, ишлари сифатлими, сифатсизми, текшириб кўрилмай ҳақ ёзилаверади. Олтинчи бригада тракторчиси А. Марасуловнинг ғоят сифатсиз ишини кўрган колхоз агрономи ўртоқ Т. Кимсанов ўзини оқлашдан нарига ўтолмади.

Августнинг дастлабки кунларида ўтказилган текширишлар шуни кўрсатадики, район хўжаликларида эндигина бир-иккитадан кўсак туккан 2992 гектар, ҳали кўсакламаган 781 гектар пахта майдони бор. Уларни олдинги ғўзаларга етказиб олиш учун жумладан, қарийб 27 минг тонна маҳаллий ўғит чиқарилиб, ерларга солиниши керак эди. Афсуски, 4 августгача бу топшириқ атиги 8 процентгина бажарилди. Меҳнат сарфлаб ташиб чиқарилган неча юз тонналаб маҳаллий ўғитлар дала бошларида ғўзага солинмай қовжираб ётибди.

Бир сўз билан айтганда районда ҳосил тўплаш ва ҳосилга ҳосил қўшиш ойи бўлмиш август ойининг ҳар дақиқасидан унумли фойдаланиляпти деб айтиш қийин. Район партия комитети (биринчи секретари ўртоқ С. Охунов), район ижроия комитети (раиси ўртоқ Т. Тўйчиев) раҳбарлари ахборот тўплаш, зуд йиғилишлар ўтказишга кўп вақт сарфлашдан кўра, бевосита хўжаликларда бўлиб, камчиликларга жойида барҳам беришга эътибор қилганларида эди, ишга кўпроқ наф теккан бўларди.

Шу ўринда район колхоз ва совхозларида оммавий-сиёсий ишларга етарли эътибор берилмаётганлигини ҳам таъкидлаб ўтмоқчимиз. Аслида, хўжаликларда 988 агитатор, 132 пропагандист иш олиб бораётгани қайд этилса-да, биз «Риштон» совхозининг аксари бригадаларида, қатор колхозларда бирорта ҳам агитаторни учратмадик. Дала шийпонларини безатиш ва кўргазмали агитация ҳақида гапирмасак ҳам бўлади... Бунинг сабабини район партия комитетининг идеология бўйича секретари ўртоқ Р. Ҳамидовадан сўраганимизда ундан садо ҳам чиқмади.

Хуллас, Риштонда жон куйдириб, ташаббус кўрсатиб ишлашдан кўра, шовқин-суронли йиғилишлар ўтказишга, ахборотлар тинглашга мойиллик кўп, амалий, таъсирли ва фойдали иш кам. Район партия, совет ташкилотлари раҳбарлари хотиржамлик ва қуруқ гап ҳеч қачон ишга наф келтирмаслигини англашлари керак.

«Совет Ўзбекистони» рейд бригадаси аъзолари:
Н. МИНЖУЛИН,
Фарғона область халқ контроли комитетининг инспектори.
С. САЙФУТДИНОВ,
Область «Коммуна» газетасининг бўлим мудири.
О. ҲАКИМОВ,
«Совет Ўзбекистони»нинг Фарғона область мухбири.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИШЛАРИ КУНДАЛИГИ

ЧЕКАНКАНИ ТЕЗРОҚ ТУГАТАЙЛИК!

Пахта ҳосилдорлигини оширишга қаратилган агротехник тадбирлар орасида ғўза чеканкаси катта роль ўйнайди. Бу йилги шароитда ғўза чеканкаси айниқса муҳим аҳамият касб этади. Оби-ҳавонинг ҳар йилги ёз мавсумига нисбатан салқин келиши туфайли ғўзага нормадаги ҳарорат етишмай турибди. Натижада кўпгина районларда ғўза ривожланишдан орқада қоляпти. Мана шундай шароитда ўз пайтида ўтказилган чеканка ўсимликнинг ҳамма қувватини кўсакларга тўплашга ва уларни тезроқ етилтиришга имкон беради.

Республиканинг кўплаб илғор хўжаликларида агротехниканинг бу муҳим усулига муносиб эътибор қилинмоқда. Тошкент области далаларида чеканка ўз вақтида тугалланди. Сирдарё ва Андижон областининг пахтакорлари ҳам чеканкани тугаллаш арафасида турибдилар. Наманган ва Бухоро областларининг хўжаликларида планда мўлжалланган майдонларнинг 80 процентида чеканкани тугаллаб қўйдилар.

Бироқ ҳали кўпгина хўжаликларда ғўза агротехникасининг бу муҳим тадбири кечиктириб юборилмоқда. Республиканинг энг жанубий области Сурхондарёда ғўза бошқа жойлардагига нисбатан бир қадар барвақт етилишига қарамай 129 минг гектар майдоннинг эндигина 72 минг гектарида чеканка тугалланди, холос. Ғўза чеканкасини Хоразм области 30, Қорақалпоғистон АССР — 36,6, Қашқадарё — 42, Самарқанд — 47, Фарғона области — 68 процент бажардилар, холос.

Ғўза чеканкасининг суръати бу сермеҳнат ишнинг қай даражада механизациялаштирилганлиги билан боғлиқ. Қашқадарё, Хоразм, Қорақалпоғистон АССРда эса чеканка машиналаридан мутлақо фойдаланилмаётир. Фарғона областида эса бор-йўғи 0,1 минг, Андижонда 0,4 минг, Наманганда 1,4 минг, Сурхондарёда 2,3 минг гектар майдондаги ғўза механизация ёрдамида чеканка қилинди.

Шуни эсда тутиш лозимки, чеканкани бир кун кечиктириш ҳам ҳосилдорликка кескин таъсир этади. Ҳар бир хўжаликда агротехниканинг бу муҳим ишини уюшқоқлик билан ўтказиш, ҳамма куч ва имкониятларни чеканкани тез кунларда тугаллашга сафарбар этмоқ лозим.

АНГЛИЯЛИК МЕҲМОНЛАР

СССР парламент группаси Совет — Англия секциясининг таклифига биноан мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Англия парламентининг аъзолари Чарльз Моррис, Гэвин Стрэнг, Нил Киннок ва Эрик Дикинс Тошкентга келдилар.

10 августда англиялик меҳмонлар Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида қабул қилинди. Президиум Секретари Х. М. Пўлатова парламент аъзоларини республика Олий Советининг фаолияти билан таништирди. Шу куни меҳмонлар Тошкентнинг янги қурилишларини ва бошқа диққатга сазовор жойларини бориб кўрдилар.

Англия парламенти аъзолари Ўзбекистон бўйлаб сафар қиладилар. (ЎзТАГ).

Бу меҳнатсевар қизлар наманганлик. Уларнинг бири — Ҳабибахон бадиий буюмлар фабрикасида тикувчи бўлиб ишлайди. Унинг қўлидан чиққан сўзаналар, харидорларнинг кўзини қувонтиради. Насимахон эса шойи тўқиш фабрикасининг 1-тўқув цехида меҳнат қиляпти. Смена топшириқларини ҳамиша ошириб бажараётир. Суратларда: (юқоридан пастга) Ҳабибахон Мадраҳимова ва Насимахон Муллабоева ўртоқларни иш устида кўриб турибсиз.

Б. Мансуров фотолари.

ҚОЯКЕСАРЛАР

Андижон сув омборининг қурувчилари Обиджон Солиев бошлиқ бетончи — қоякесарлар бригадасини социалистик мусобақада катта ғалаба билан табрикладилар. Бу бригада бўлажак денгиз тўғонларининг бешта марказий секциялари учун пойдеворни биринчи бўлиб тайёрлаб берди. Ҳозир қурилишнинг бу нуқтасида иш ғоят қизғин. Сув ўтказадиган марказий иншоотлар орқали Қорадарё сувини келгуси йилдаёқ оқизиш мўлжалланмоқда. Қорадарёнинг эски ўзанини тўсиш учун шундай қилинади. Солиев бригадаси ҳар бир иш кунида тоғ жинсини палахса-палахса қилиб кўчирадиган болға билан бир ярим кубометр қояни кесишга муваффақ бўлди. Бу эса нормадагидан қарийб уч баравар кўпдир.

...Андижон сув омбори қурилишида бу бригадани ҳурмат билан «профессорлар» бригадаси деб аташади. Кўлбола денгизни барпо этиш учун ундан унча олис бўлмаган Султонобод қишлоғидан келган ёш қурувчи, бригада бошлиғи Обиджон Солиевни ҳам «қоя ишларининг профессори» дейишади. Обиджон Солиев қарийб ўн йил мобайнида геология-қидириш экспедицияларида пармалаш мастери бўлиб ишлади. Ленин сув омбори қурила бошланиши биланоқ Обиджон ўйлаб ўтирмасдан Кампирровот дарасига етиб келди.

Иш бошланган дастлабки кунларданоқ Обиджон бригадаси жуда қийин имтиҳондан ўтди. Қояни ультратовуш билан «пайпаслаб кўрадиган» геологлар тўғоннинг ўттиз иккинчи блокида чуқур дарз кетган жой борлигини аниқладилар. Ҳисоблашларга кўра, қарийб олти метр дарз кетган эди. Ана шу участкани кесиб, унинг ўрнини бетон билан тўлдириш керак эди. Лекин доломит шунчалик қаттиқ эдики, ҳатто тоғ жинсларини палахса-палахса қиладиган болғанинг ҳам деярли кучи етмай қолди.

Пармаловчи бўлиб ишлаган пайтидаги тажрибаси Обиджонга бунинг иложини топишда қўл келди. У қоя ёнига компрессор шлангини олиб келишни илтимос қилди ва қисилган ҳавонинг қудратли кучи билан дарз кетган жойнинг устини шамолга тутди. Тоза қояда ҳатто кичкинагина дарз кетган жойлар ҳам яхшироқ кўринади. Бу дарз кетган жойларда отбойка болғасини ишлатиш осонроқ бўлади. Бундан ташқари қатламларнинг йўналишини кўздан кечириш осонроқ бўлади: «жинсга қарши» тош чақиш беҳуда ишдир.

Обиджон қояни синчиклаб ўрганиб чиққач, бригададаги энг яхши ўн икки қоякесарни — Эгамберди Рўзиев, Нуриддин Мирзаев, Қулунчак Бекмирзаев, Ҳошим Самсоқов ва бошқаларни ишга туширди. Масъулиятли топшириқ икки сменада бажарилди.

Ҳозир Солиев бригадаси тўғоннинг ченка секциялари учун қоя пойдеворлар тайёрламоқда. Буларга бетон ётқизиш келгуси йилда бошланади. Кўлбола денгиз барпо этаётган қурувчилар бу бригаданинг тажрибасидан кенг фойдаланмоқдалар.

Ю. ЮДИН,
ЎзТАГ махсус мухбири.
Советобод шаҳри, Андижон области.

Партия турмуши: бошланғич ташкилотдан хат

ПАРТКОМнинг ТАШКИЛОТЧИЛИК КУЧИ

Кутилган кун келди. Ўнта автобаза, авторемонт заводи, ўқув комбинати, «Автомобилист» пансионати ва «Главташкентстрой» транспорт бошқармаси аппаратининг 500 дан ортиқ коммунистини ўз сафида бирлаштирган ва янгидан ташкил топган партия ташкилотининг йиғилиши бошланди. Чилонзор район партия комитетининг мажлислар залига тўпланган коммунистлар бошқарма транспорт ташкилотлари бошланғич партия ташкилотларининг ягона партия комитетига бирлашганидан ниҳоятда хурсанд эканликларини қайта-қайта гапиришарди. Улар ана шу йиғилишда 5-автобаза директори Дмитрий Григорьевич Рябовни бир овоздан партия комитетининг секретари қилиб сайладилар.

Бошқармада партия комитети аввал ҳам бор эди. У бошқарма ташкил топган 1966 йилда тузилган. Бироқ орадан уч йил ўтгач транспорт ташкилотлари Тошкент шаҳрининг турли районларида жойлашгани сабабли унга раҳбарлик қилиш қийинлашмоқда; деган сабаб билан баъзи район партия комитети секретарларининг таклифига биноан партком тугатилган ва ҳар бир ташкилот қошида мустақил бошланғич партия ташкилотлари тузилган эди. Лекин партия комитети тугатилгандан сўнг ягона раҳбарлик органи ва касаба союзлари маҳаллий комитети сақланиб қолаверди.

Транспорт ташкилотлари партия комитетининг тугатилиши ишлаб чиқаришга жиддий зарар келтирди. Сафида 30-50 коммунистни бирлаштирган кўплаб бошланғич партия ташкилотларининг фаолиятини назорат қилиб бориш қийинлашди. Натижада бевосита бир неча район партия комитетларига бўйсинган автотранспорт бошланғич партия ташкилотларида ташкилий ва сиёсий-тарбиявий ишлар савияси анча пасайди, уларда партия аъзолари сафининг ўсиши аввалги йиллардагига қараганда беш марта камайиб кетди. Бу эса ўз навбатида меҳнат интизомининг сусайишига сабаб бўлди.

Ўтган йили Тошкент шаҳар партия комитети КПСС XXIV съездида партия Уставига киритилган бир қатор ўзгартишларга асосланиб, «Главташкентстрой»нинг транспорт бошқармаси қошида партия комитетини қайта тиклашга қарор қилди. Шундан бери ўтган бир йил мобайнида партия комитети ўзининг бутун ташкилотчилик қобилияти ва кучини ташкилий ва сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилашга, коллективни тўққизинчи беш йиллик планларини муддатидан илгари ошириб бажаришга сафарбар қилишга қаратмоқда.

Шу кунларда бошқарма партия комитети аъзоларининг ташвиши бир олам. Олдинда бажарилиши лозим бўлган ишлар ҳали кўп, уларнинг ҳаммасига улгуриш, автомобиль хўжаликларида бўлиб, кишилар дилига йўл топиш, коллектив ўртасида оммавий-сиёсий ишларни олиб бораётган агитаторлар ва сиёсий ахборотчилар билан учрашиш, цех партия ташкилотлари секретарларининг семинарини ўтказиш лозим.

Партком секретари Дмитрий Рябов партком аъзоси, транспорт бошқармасининг бошлиғи Сергей Василенко билан бирга автобазаларга иш бошланмасданоқ келиб шу ерда қоронғу тушгунча ушланиб қолишади. Партия комитетига коллектив олдида турган вазифалар, олинган мажбуриятни муваффақиятли бажариш учун ишни қандай ташкил этиш зарурлиги ҳақида ўз фикр ва мулоҳазаларини билан ўртоқлашиш мақсадида инженер-техник ходимлар, шофёрлар тез-тез келиб туришади...

Тўққизинчи беш йилликнинг иккинчи йилида «Главташкентстрой» автомобилчилари олдида ғоят катта ва масъулиятли вазифалар турибди. Улар ёрдамчи пудратчилар ва бош бошқарма қурилиш ташкилотларининг 34,4 миллион тонналик турли бинокорлик материалларини ташиб беришлари лозим. Социалистик мажбуриятда ҳар куни 100 машинадан ўртача 77 тасини ишга чиқаришга эришиш ва юк ташиш йиллик планини ҳамда бошқа техника-иқтисодий кўрсаткичларни муддатидан олдин бажариш алоҳида қайд қилинган.

Хўш, бу вазифаларни муваффақиятли бажариш учун нималар қилмоқ керак? Бу масала ҳақида партия комитети аъзолари ўзларининг таклиф ва мулоҳазаларини айтишди. Бажарилиши лозим бўлган ишлар аввал партком мажлисида атрофлича муҳокама қилинди. Ҳар бир ишлаб чиқариш участкаси партком аъзоларига бириктиб қўйилди.

Халқ хўжалиги юкларини ташиш планини муддатида бажариш коллективнинг ҳар бир аъзоси олдида турган муҳим вазифадир. Партия комитети ҳам ишга ана шу нуқтаи назардан ёндошмоқда. Шу сабабли у ўз мажлисларидан бирида 1-автобаза директори коммунист А. Нежинскийнинг 1971 йил учинчи кварталидаги иш якуни ҳақидаги ҳисоботини тинглади. Муҳокама қизғин ўтди. Учинчи кварталда юк ташиш план ва мажбуриятлари бажарилмагани сабабли автобаза раҳбарлари — директор А. Нежинский, бош инженер И. Перельман, бошланғич партия ташкилоти секретари И. Данилов, касаба союзлари маҳаллий комитетининг раиси Н. Махинова ва бошқа масъул ходимлар адресига анча танқидий гаплар айтилди. Автобазада ишнинг яхши ташкил этилмагани, ўзи хизмат кўрсатаётган ташкилотлар билан мустаҳкам алоқа ўрнатилмагани қаттиқ танқид қилинди.

Партком мажлисида айтилган принципиал танқидий фикрлар ишлаб чиқаришга ижобий таъсир кўрсатди. Камчиликларни тугатиш учун аниқ тадбирлар белгиланди. Унинг бажарилиши мунтазам назорат қилиб борилди. Мана натижа: 1-автобаза коллективи ойлик ва квартал планларини энди мунтазам ошириб бажараётир.

Бу воқеа юк ташиш планларини бажармаётган баъзи автобаза коллективлари учун ҳам намуна бўлди. Орқада қолаётган коллективлар 1-автобазанинг сўнгги даврдаги тажрибасини ўрганиб, жорий қилмоқдалар. Натижада бошқарма бўйича юк ташиш ойлик планларининг муддатидан анча олдин ошириб бажарилишига эришилаётир.

Партия комитети кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш, мутахассисларнинг топширилган вазифага масъулиятини ошириш, «Главташкентстрой» ва транспорт бошқармаси буйруқларининг бажарилишини таъминлашга алоҳида эътибор бермоқда. Чунки бу масалалар энг аввал меҳнат интизоми ва планларнинг муваффақиятли бажарилиши билан бевосита боғлиқдир. Партия комитетининг рўй бераётган камчиликларни тугатишга қаратилган қарорлари ишлаб чиқаришни ривожлантиришга амалий ёрдам кўрсатмоқда. Партия комитети 12-автобаза директорлигига партком аъзоси, бошқармада энг илғор ҳисобланган 9-автобаза директори коммунист Юрий Петровичнинг номзодини тавсия қилди. Илгари 7-автобазада бош инженер бўлиб ишлаган ва анча тажриба тўплаган Али Қуртвелиев бош инженер қилиб тайинланди. Улар янги жойда муваффақият билан ишламоқдалар.

Бошқарма партия комитетининг бутун ташкилотчилик кучи коллективни ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва хўжалик юкларини ташиш топшириқларини ошириб бажариш учун сафарбар қилишга қаратилган. Бу ўзининг дастлабки натижаларини кўрсатмоқда. Шу йилнинг олти ойлик плани ҳам муваффақиятли адо этилди. Бошқарма коллективи юк ташиш миқдорини кун сайин ошириб боряпти.

П. СЕЛЕЗНЕВ,
«Главташкентстрой» транспорт бошқармаси партия комитетининг аъзоси, бирлашган касаба союзлари маҳаллий комитетининг раиси.

ИПАК ТОЛА МУАММОЛАРИ

«Минглар шартномаси» амалда

«Минглар шартномаси» қатнашчилари — Фарғона ипакчиларининг пиллачилар ва пиллакашлар билан маслаҳат-кенгаши.

Ипакчилар таклиф қиладилар:

◆ Пилла тайёрлаш ва табиий ипак ишлаб чиқариш билан шуғуланадиган ягона ташкилот — «Узбекшелк» фирмасини ташкил этиш керак.

◆ Пилла қурти боқишни саноат асосига кўчириш вақти етди.

◆ Пилла қуритиш базаларида пиллани сортларга ажратишни йўлга қўйиш керак.

◆ Ипак тола сифатини яхшилаш имконини берадиган янги техника ва илмий-тадқиқот янгиликларини ишлаб чиқаришга жорий этишни иложи борича тезлаштириш керак.

Фарғона қадимдан ўзининг табиий ипаги билан жаҳонга машҳур. Бу водийда бир неча минг йиллардан бери қурт боқиб, пилла тутиб келинади. Машҳур ипак йўли ҳам худди шу Фарғонадан ўтган. Ана шу ипак йўлида ипак шаҳри — Марғилон қад кўтаргани бежиз эмас. Марғилонликлар жуда қадимдан бери ипак газламалар тўқиб келишади. Улар тўқиган атласлар ҳақида жуда кўп афсоналар тўқилган. Улар атлас тўқийдиган ёғоч станоклар — дўконларини яратишган, атлас тўқиш рисоласини ёзиб қолдиришган.

Ҳозир бу шаҳарда кўплаб кишилар авлоддан-авлодга ўтиб келаётган ўз касбларини ардоқлаб келмоқдалар, «Атлас» фирмаси ва Марғилон ипак комбинатида ишлаб чиройли, пишиқ ипак газламалар тўқимоқдалар. Шаҳар ҳалқи ҳар баҳорда деҳқонлар сингари ўз хонадонларида пилла тутибгина қолмасдан, шу пилладан хом ипак йигиради. Ундан эса камалаксифат шойи газламалар тўқийди. Шаҳарда пилла қурти уруғи заводи, пиллакашлик фабрикаси, пилла қуритиш базалари мавжуд. Ипакчилик саноати бўйича илмий-тадқиқот институти ҳам шу ерда жойлашган. Улар ҳамдам ва ҳамфикр бўлиб ишлаб, Марғилон ипагининг шуҳратини жаҳонга таратмоқдалар.

Фарғона ипак водийси эканини унга баҳорда борган киши яққол ҳис қилади. Ана шу баҳорда бутун водий далаларини карталарга бўлиб ташлаган тутлар кўм-кўк бўлиб барг ёзиб юборади. Бу тутлар бизнинг жуда катта бойлигимиз. Агар уларни бир қаторга тизиб ўтказгудек бўлсамиз, ер шарининг белига белбоғ бўлса ажаб эмас. Мана шунинг учун ҳам Фарғона пиллачилари ҳар йили пилладан юқори ҳосил кўтармоқдалар. Улар сурункасига ҳар йили 5 минг тонналик пилла хирмони кўтармоқдалар. Бу йил эса пландагидан минг тонна кўп пилла тайёрланди.

Фарғона пиллачилари ва пиллакашлари ипакчилар билан биргаликда ипак-газламаларнинг сифатини яхшилаш ва унинг хилини кўпайтириш йўлида анчагина ишлар қилдилар. Яхшигина натижаларни қўлга киритдилар. Ипак тола тобора пишиқлашиб бормоқда. Ундан тўқилаётган газламалар камалакдай жилоланмоқда. Лекин бу ҳали кундан-кунга ўсиб бораётган аҳоли талаби ва дидига мос келадиган даражада эмас. Ипакчилар сифатни яхшилаш учун кўпдан изланиб келмоқдалар. Ана шунинг учун ҳам улар «Минглар шартномаси»га бажонидил қўшилдилар. Бу шартнома эса маҳсулот сифатини яхшилашда тўқимачилар учун янги-янги имкониятлар очиб бермоқда. Унинг шарофати билан газлама сифатини ҳар қачонгидан яхшилаш учун машинасозлар ва химиклар ёрдамга келдилар. Пиллакашлар ва пиллачилар сифатни кўтариш учун жон куйдириб ишлай бошладилар. Ўзаро ҳамкорлик, бир-бири билан бамаслаҳат иш тутиш, муаммоларни биргаликда ҳал қилиш, вақтида ўзаро ёрдам кўрсатиш — буларнинг ҳаммаси аҳолига манзур бўладиган ипак-газламалар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга имкон бермоқда.

Яқинда «Советская Россия», «Совет Ўзбекистони», «Коммуна» газеталари Фарғона область партия комитети билан бирга «Минглар шартномаси»га қўшилган область ипакчиларининг пиллакашлар ва пиллачилар билан учрашувини ташкил этди. Бу маслаҳат-кенгашда машҳур пиллачилар ва пиллакашлар, атлас тўқувчи ва ипакчилар, олим ва мутахассислар, агрономлар, партия-хўжалик ходимлари қатнашдилар. Ипакчилар ипак-газламалар сифатини яхшилаш билан боғлиқ бўлган қатор масалаларни муҳокамага ташладилар. Марғилон ипак комбинатининг мастер ёрдамчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Қумрихон Содиқова энг асосий масала — ипак тола сифати ҳақида гап очди:

— Ипак газламанинг сифати пиллага боғлиқ бўлиб қолди. Биз аввалига пиллакашлардан гина қилиб юргандик. Аслида эса ҳамма иллат пиллада экан. Пиллачилар пилладан юқори ҳосил етиштиришмоқда. Бизни хом ашё билан мўл-кўл таъминлашмоқда. Лекин шу пилланинг сифати қандай? Гап ана шунда. Ҳозир етиштирилаётган пилланинг ярми учинчи сортларга топширилиб, бир қисми брак бўлмоқда. Пилла сифатининг ана шундай тушиб кетиши оқибатида республикамиз пиллачилари ҳар йили 4 миллион сўм миқдорида зарар кўрмоқдалар. Яширишнинг ҳожати йўқ. Пилла қандай бўлса, ундан ажратиб олинадиган ипак тола ҳам шундай бўлади. Яхшисидан яхши, ёмонидан ёмон тола чиқади. Шундай экан, пилла сифатини кескин яхшилаш вақти етмадими? Пиллачиларимиз бунинг уддасидан чиқишга қодирми? Бу йўлда уларга нима халақит беряпти? Биз шуни билгимиз келади.

Ишчиларнинг бу ҳаққоний ва принципиал саволига область пиллачилик бошқармасининг бошлиғи Абдулҳат Раҳимов жавоб беришга ҳаракат қилди.

— Ҳозирги кунда пиллачиликда полиэтелин қуртхоналари қуришга ўтилмоқда. Қурт боқиш мавсуми тугагандан кейин улардан теплица тариқасида фойдаланиш мумкин. Иқтисодий жиҳатдан бақувват колхозлар эса колхозчиларнинг ҳовлиларида оддий қуртхоналар қуриш билан ишни енгиллатишга ҳаракат қилишмоқда. Лекин бу билан масалани тўла ҳал қилиш қийин. Хўжаликларда жуда катта қуртхоналар қуришга тўғри келади. Бунинг учун эса хўжаликларнинг кучи етмайди. **Шу сабабдан ҳам хўжаликларда қурт боқиш агротехникасига мос келадиган йирик қуртхоналар қуриш учун етарли даражада капитал маблағ ва қурилиш материаллари ажратиш вақти етди. Бу масалани республика Қишлоқ хўжалик министрлиги ва Ўзбекистон ССР Госплани биргаликда ижобий ҳал қилишлари керак.**

Қурт боқишни саноат асосига кўчириш нима беради? У энг аввало оғир иш жараёнларини механизациялаштиришга имкон беради. Пилла етиштиришга кам куч сарфланиб, унинг таннархи арзонлашади. Пилланинг брак бўлиши ва сифати пасайиб кетиши кескин камаяди. Биз шу вақтгача сунъий дасталарга эга эмасмиз. Бундан ташқари областимиздаги пилла қуритиш базалари 3 минг тонна пиллани қабул қилиб олиб, дастлабки қайта ишлаш имкониятига эга. Шунга қарамай биз бу қуритиш базаларида кейинги йилларда 5,5 минг тоннагача пиллани сақлаб кайта ишламоқдамиз. Бунинг оқибатида пиллани қайта ишлаш технологияси бузилишига йўл қўйилмоқда ва оқибатда юқори сортли пиллаларнинг бир қисмини сифатсиз ва яроқсиз ҳолга келиб қолмоқда. **Биз қўшимча равишда пилла қуритиш базалари қуриш ва мавжудларини реконструкция қилишни кўп вақтдан бери талаб қилиб келмоқдамиз. Лекин Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги бу масалани ҳамон ҳал қилмай келмоқда.**

Шундан кейин пиллакашликда кўп йиллар ишлаб, катта тажриба тўплаган мутахассис, Фарғона пиллакашлик фабрикасининг бош инженери Иван Андреевич Куприн сўз олади.

— Жуда тўғри талаб. Ҳақиқатда ҳам пилла қуритиш базалари қуввати етиштирилаётган пилла ҳосилни қабул қилиб, уни қайта ишлашга жавоб бермайди. Биргина Фарғона областида эмас, бу ҳолни Тошкент области мисолида ҳам кўриш мумкин. Биз ҳар йили Тошкент областидан 40 процент атрофида пилла оламиз. Улар пилла қуритиш базаларида ёмон сақланганн оқибатида биз ундан сифатли тола ажратиб олишга жуда қийналмоқдамиз. Фақат ўтган йилнинг ўзидагина фабрика шунинг оқибатида 500 минг сўм зарар кўрди. Бу шундан далолат берадики, пиллакашлик корхоналари ишининг самарадорлиги уларга жўнатилаётган пилланинг сифатига тўғридан-тўғри боғлиқдир. Маҳсулотимиз сифатини яхшилаш учун қўлимиздан келган ҳамма чораларни кўрмоқдамиз. Лекин, бу вазифани уддалаш фақат бизга боғлиқ эмас. **Пилланинг сифатини тамомила яхшиламасдан туриб, пиллачилар олдида турган ва ҳал қилиниши лозим бўлган масалаларни ижобий ҳал этмасдан туриб, пиллакашлик корхоналари маҳсулотининг сифатини яхшилаб бўлмайди. Мана шу нуқтаи назардан ҳам пилла етиштириш ва уни дастлабки қайта ишлашдан тортиб, хом ипак ажратиб олиб, ундан шойи газламалар тўқишгача бўлган ишларни ташкил этишни ўз зиммасига олган ягона «Узбекшелк» фирмаси тузиш вақти етди.**

— Иван Андреевич жуда муҳим масалани ўртага ташлади, — деди Фарғона область партия комитетининг секретари М. Умаров, — Пилла етиштириш ва уни қайта ишлашни хўжалик ҳисобидаги «Узбекшелк» фирмаси зиммасига юклаш бу йирик ва мураккаб хўжаликни бошқариш системасини тартибга солган ва унинг иқтисодий самарадорлигини яна оширган бўлар эди. Бу масала тегишли ташкилотлар, энг аввало Иттифоқ Енгил саноат министрлиги томонидан яқин вақт ичида ижобий ҳал қилиниши лозим.

Йиғилишда ипакчилар, пиллакашлар ва ниҳоят пиллачилар пилла сифатини яхшилаш, ипак саноатининг самарадорлигини ошириш юзасидан кўплаб ўз таклиф-мулоҳазаларини айтдилар. Конструкторлар ва олимлар, асбобсоз ва машинасозлар адресига эътирозлар билдирилди.

— Янги пиллакашлик станокларини яратиш ва уни ўзлаштиришни тезлаштириш керак, — деди Марғилон ипак комбинатининг бош инженери П. Акбаров.

— Ҳалигача пилланинг сифатини оддий кўз билан аниқлаб келмоқдамиз. Биз бу ишни аниқ асбоблар ёрдамида бажаришни истардик, — деди Охунбобоев район пиллачилик бошқармаси бош агрономи А. Нурматов.

Кун тартибига мана шундай муҳим масалалар қўйилди. Улар кўп йиллик иш тажрибасида, сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш учун кураш йўлида туғилган муаммолар бўлиб, уларни ҳал қилиш шубҳасиз жуда катта иқтисодий самара беради. «Минглар шартномаси» эса мана шу муаммоларни ҳал қилишда ва ипак газламалар сифатини яхшилаш йўлида пиллачилар билан пиллакашларнинг, машинасозлар билан олимларнинг биргалашиб куч-ғайрат сарфлашларини тақоза этмоқда. Бу бирлик — ипакчилар ва пиллакашлар дўстлиги яхши самаралар беришига, аҳоли учун ҳар қачонгидан кўркам ва чидамли шойи газламалар тўқиб чиқаришда уларга кўмакдош бўлишига ҳеч шак-шубҳа йўқ.

Д. ЭРГАШЕВ,
«Коммуна» газетасининг редактор ўринбосари.
О. ХАКИМОВ,
М. МАНСУРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбирлари.

Ўзбекистон касаба союзлари республика Советида

КОЛХОЗЧИЛАРГА ҒАМХЎРЛИК

Республикамизда колхоз аъзоларини социал страхованиe қилиш жорий этилгандан сўнг дала меҳнаткашларининг санаторийларда даволаниш, дам олишларини ташкил қилиш, уларнинг болалари соғлиғини сақлашни янада яхшилаш юзасидан кўпгина ишлар қилинмоқда. Ўтган йилнинг ўзида социал страхование маблағлари ҳисобидан 15 минг 130 колхозчи санаторийларда, пансионатларда, туристик базаларда, дам олиш уйларида хордиқ чиқардилар, 30 мингдан ортиқ пионер ва ўқувчилар колхоз ва колхозлараро пионер лагерларида бўлдилар.

Лекин бир қатор колхозларда колхозчилар учун дам олиш базалари ташкил қилинмаган. Пионер лагерлари талабга жавоб бермайди, улар фақат бир-икки сменагина ишлайди. Республикада пионер лагерларини қуриш, материал-техника таъминоти билан шуғулланадиган ягона раҳбар ташкилот йўқ.

Узбекистон касаба союзлари республика совети президиуми қишлоқ дам олиш базалари ва пионер лагерлари ишини янада яхшилаш юзасидан конкрет тадбирлар белгилади.

ЮБИЛЕЙ ОЛДИ КЎРИГИ

Узбекистон касаба союзлари республика совети президиуми касаба союзлари қошидаги клублар, маданият уйлари ва саройлари, кутубхоналар, қизил бурчаклар республика кўригини ўтказиш ҳақида қарор қабул қилди. 1972 йил декабрь ойигача ўтказиладиган бу кўрик КПСС XXIV съезди, СССР касаба союзлари XV съезди қарорлари асосида маданий оқартув муассасаларида тарбия ва оммавий-маданий ишларни янада яхшилашга хизмат қилади. СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллиги олдидан ўтказиладиган кўрик якунлангач, энг яхши клублар, маданият уйлари ва саройлари, кутубхона ва қизил бурчаклар Ўзбекистон касаба союзлари республика советининг дипломлари ва пул билан мукофотланадилар.

ШАҲАР—ҚИШЛОҚҚА

Республикамиздаги 480 га яқин саноат корхоналари, Урта Осиё темир йўлининг 186 та бўлинмаси ҳамда 200 дан ортиқ корхона ва қурилиш ташкилотлари колхоз ва совхозларга доимий оталиқ ёрдами кўрсатмоқда. Тошкент ремонт-механика заводининг ишчилари Сирдарё областидаги Карл Маркс номли колхознинг иккита юк автомашинасини ремонт қилиб беришди, автомашиналар учун 1200 сўмлик эҳтиёт қисмлар тайёрлашди. Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи коллективи ҳам ўз оталиғидаги колхозга қуритиш-тозалаш цехлари ва водопроводларни ремонт қилишда ёрдам кўрсатишди. Колхозчилардан 25 йигит ва қиз заводда токарь, электр пайвандчи, электр монтёр ва моторист касбларини эгаллаб, ўз хўжаликларига қайтишди. Чирчиқ шаҳридаги корхоналар Урта Чирчиқ районидаги 22 та колхоз ва совхозга оталиқ ёрдами кўрсатмоқдалар.

Узбекистон касаба союзлари республика совети президиуми саноат корхоналари, қурилиш ва транспорт ташкилотлари, маданият муассасаларининг колхоз ва совхозларга оталиқ ёрдамини янада яхшилаш тадбирларини белгилади. Энг яхши оталиқ ёрдами кўрсатаётган коллективлар дипломлар блан мукофотландилар.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Матбуот давлат комитетини қайта тузиб, уни Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Иттифоқ-республика давлат комитетига айлантирди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ўртоқ Зиёд Исломович Есенбоевни Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитетининг раиси қилиб тайинлади.

СССР—50

ТОЖИКИСТОН ҳафталиги

САВОДХОН ЎЛКА

Рустамбек ЮСУФБЕКОВ,
Тожикистон ССР маориф министри.

Тожикистон Совет Социалистик Республикасининг Маориф халқ комиссарлиги 1925 йилнинг бошида республика территориясида мавжуд бўлган ўқув юртларини «қабул қилганда» бунинг учун кўп вақт талаб қилинмаган эди. Учта бошланғич мактаб, тўртта интернат, 31 ходим, 152 ўқувчи — ўлканинг халқ маорифи соҳасидаги бисоти шундан иборат эди. Биринчи халқ комиссари столи устида туб халқ ўртасида саводлилар сони 0,5 процентдан сал ортиқ деган маълумот ёзилган қоғоз турарди.

Нимасини айтасиз — аччиқ статистика! Лекин ўша вақтдаёқ тожик ери узра билимнинг саҳоватли нури ёйилаётганини ҳамма кўриб ва билиб турган эди. Бу нурнинг аломатлари ҳамма нарсада намоён бўла бошлаганди. Ленининг мамлакатда ҳатто бир киши ҳам саводсизлигича қолса революция хавф остида бўлади, деган сўзларини қатъият билан такрорловчи комиссарларнинг жўшқин нутқларида ҳам, фронтдан (Тожикистонда босмачиларга қарши кураш ҳали давом этмоқда эди) унинг орқасига ёзилаётган қизил аскарларнинг хатларида «Қурол жўватинглар!» деган илтимос билан бир қаторда «Китоб жўватинглар, имкони борича кўпроқ китоб жўватинглар!» деб қилинган илтижоларда ҳам, деҳқонлар оммаси ўртасида газеталарда эълон қилинадиган янгиликларга бўлган қизиқишнинг туғилишида ҳам, Россия Федерацияси ва қўшни Ўзбекистон ёш республикага ўқитувчи кадрлар тайёрлашда берган шошилинч ёрдамда ҳам бу нурнинг акси бор эди.

Нурли кўринишлар яхши натижали муваффақиятларга айланди. Сон-саноқсиз қийинчиликлар ва тўсқинликларга қарамай, ўша вақтда қилинган орзуларнинг кўпчилиги ушалди.

Аҳолисининг сони уч миллион кишидан сал ортиқ бўлган республикада ҳозир 2886 умумий таълим мактаби, 42 минг педагог ва 800 мингдан зиёд ўқувчи мавжуд. Бутун мамлакатдаги каби, бу ерда ҳам бепул умумий бошланғич, сўнг етти-саккиз йиллик таълим собитқадамлик билан амалга оширилмоқда. 1975 йилга бориб республикада умумий ўн йиллик ўрта таълимга кўчиш тугалланади. Бошқача қилиб айтганда, яқин йилларда меҳнат ҳаётига қадам қўядиган йигит ва қизларнинг қўлида минимум сифатида, етуклик аттестати бўлади. Бу, ҳатто, инсонга нисбатан тобора юксак талаблар қўяётган илмий-техника революцияси даврида ҳам у қадар камлик қилмайди.

Умумий таълим мактабларнинг бутун ўлкага ёйилган кенг тармоғи Тожикистонда вужудга келган ягона давлат халқ маорифи системасининг атиги биринчи звеносидир. Бундан сўнгги звено ўрта махсус ўқув юртлари. Республикада 37 та ана шундай ўқув юрти бор. Улар халқ хўжалигининг 120 дан ортиқ тармоғи учун малакали мутахассислар тайёрлаб беряпти. Республиканинг ўнг минглаб йигит ва қизлари техникумларни тамомлашди. Ҳозир эса яна 36 минг йигит-қиз техникумларда билим ва меҳнат кўникмаси оляпти.

Республикада 8 олий ўқув юрти бор. В. И. Ленин номли Тожикистон давлат университети тожик халқининг фахри ҳисобланади. Университет эшикларини кенг очиб, ёшларни нур ва илм дарғоҳига таклиф қилганига ҳаммаси бўлиб ўн йилдан сал ошди. Бироқ, шу давр мобайнидаёқ бу ерда 12 мингдан ортиқ киши ҳуқуқшунос ва кибернетик, филолог ва химик, геолог ва шарқшунос, биолог ва физик мутахассислигини олди. Ҳозир эса университетда худди шунча йигит ва қиз илм олмоқда.

В. И. Ленин ишчи ва деҳқонларнинг болалари кенг равишда олий маълумот оладиган, мамлакатнинг миллий ўлкаларида туб халқ фарзандлари олий маълумот олиш имкониятига эга бўладиган вақт келишини орзу қилган эди. Бугунги Тожикистон бу ғоя амалга ошганлигининг ёрқин далилидир. Тожикистондаги студентларнинг 60 процентдан кўпроғи ишчи ва деҳқонларнинг болалари, қарийб 75 проценти маҳаллий миллатларнинг вакиллари — тожик ва ўзбеклардир.

Мамлакатимиздаги рус бўлмаган бошқа барча халқлар сингари тожикларнинг ҳам рус тилига алоҳида муносабатлари бор. Рус тили биз учун иккинчи она тили ролини тобора кўпроқ ўйнамоқда. Рус тили бизни барча зулмдан озод қилган халқнинг тили, Ленининг тили бўлганлиги учун уни қадрлаймиз. Эришилган юксакликларнинг кўпчилигига бизни, даставвал, рус тили жуда катта муддатлар ва масофаларни қисқартирган тўғри ва ишончли йўл орқали олиб келди! Тожикистон саводсизликни тугатиш вазифасини ҳал қилганда, экономикани социалистик асосда қайта қуришга киришганда — буларнинг ҳаммаси учун мутахассис кадрлар талаб қилинганди. Ўша вақтда бундай кадрларни республикада тайёрлаш имконияти йўқ эди ва тожиклар ўқиш учун, рус тилида ўқиш учун Россияга йўл олишди. Рус тили бизни жаҳон маданияти хазинасига яқинлаштирди, Пушкин ва Лермонтов, Чернишевский ва Добролюбов, Толстой ва Горький асарлари билан таништирди. Рус тили бутун Совет Иттифоқи ичкарисида миллатлараро алоқаларнинг оддий ва тарқибий универсал воситаси бўлиб қолди. Рус тили ёрдамида биз СССРда яшовчи ўнларча халқлардан истаганимизнинг вакили билан бир хилда эркин суҳбатлаша оламиз. Халқлар орасида беҳисоб алоқа иплари боғланган ҳозирги вақтда бу жуда муҳим аҳамиятга эгадир.

Ташкил бўлган йилида ер ёғоч омоч билан ҳайдалган, ҳатто мих ва арава мойи ҳам четдан ташиб келтирилган республикада ҳозир жуда яхши йўлга қўйилган, юксак даражада механизациялашган қишлоқ хўжалиги, саноатнинг 90 дан ортиқ тармоғи мавжуд. Биз далаларимизнинг асосий экини бўлган пахтадан жаҳонда энг юқори ҳосил оляпмиз. Биз автомат станоклар ва нефть ар матуралари, кабель маҳсулотлари ва қишлоқ хўжалик машиналари, газмоллар ва умумий овқатланиш корхоналари учун технология ускуналари, шифер ва химиявий ўғитлар ишлаб чиқармоқдамиз. Бизнинг 49 хил товаримизни жаҳоннинг 44 мамлакати сотиб оляпти.

Тожикистон 1951 йилдан бўён ўз Фанлар академиясига эга. Академия ҳозир 17 илмий-текшириш институтини бирлаштирган бўлиб, уларда ҳозирги замон фаннинг барча соҳалари бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда. Республика ҳар йили 50—60 фан доктори ва кандидати тайёрлайди. Ҳозир бизда 5500 га яқин илмий ходимлар ишлаяпти, улардан 1700 дан ортиқ киши илмий даражага эга.

Тожикистон Фанлар академиясининг Астрофизика институти, Сейсмология ва зилзилага чидамли қурилиш институти, Энтерология институти яқинда ташкил этилганликларига қарамай, бутун мамлакатда етакчи институтлардан бўлиб қолишди. Жаҳондаги юзлаб илмий муассасалар уларнинг янгиликлар яратаётган ишига қизиқиш билан қарамоқда. Олимларимиз атомнинг сирини ўрганмоқдалар, космосни тадқиқ этмоқдалар, мураккаб назарий ва амалий проблемаларни ҳал этяпти лар.

Умумий таълим асосида тожик халқининг ўзига хос маданияти гуллаб-яшнади. Биз традицион ривожланган адабиётдан ташқари, миллий драма, опера ва балет санъатига, симфоник музикага ҳам, яъни илгари бизда бўлмаган нарсаларга эгамиз. Республикада 11 та профессионал театр, 2800 дан кўпроқ жамоат кутубхонаси, 900 дан зиёд клуб, 5 музей, 4 концерт ташкилоти мавжуд, ёзувчилар, рассомлар, архитекторлар, журналистлар, кинематографчиларнинг ўз ижодий союзлари бор.

Ҳамма нарса эса чаласаводликни тугатишдан, меҳнаткашлар оммасини маърифатга кенг жалб қилишдан, Ленининг ўқиш, ўқиш ва яна ўқиш деган даъватини турмушга татбиқ қилишдан бошланган эди.

ТОЖИКИСТОН ССР. Рогун ГЭСи Вахш дарёси бўйидаги ГЭСлар тизмасига кирувчи станциялар ичида энг қудратлиси бўлади. Рогун электр станцияси йилига 14 миллиард киловатт-соат электр энергия ҳосил қила олади. Суратда: бўлажак ГЭС барпо этиладиган жойнинг кўриниши.
А. Поляков фотоси (ТАСС).

ХУШ ХАБАРЛАР

САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА

«ҲУЖУМ» МАҲСУЛОТИ — НЬЮ-ДЕҲЛИДА

Шаҳрисабз «Ҳужум» бадиий буюмлари фабрикаси чеварлари ишлаб чиқараётган сержило ва бежирим дўппи ҳамда ёдгорлик буюмлари Монреаль, Осака, Измир шаҳарларида ўтказилган халқаро кўргазмаларда намойиш этилиб, жуда яхши баҳо олди.

Корхона ишчилари яқинда Ҳиндистоннинг Нью-Деҳли шаҳрида ўтказиладиган III-Осиё халқаро ярмаркасига ҳам сана ма, чизма деб номланган нафис дўппиларнинг энг яхши намуналарини юборишди.

П. Гадоев,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ЯНГИ ХИЛ ПОЙАФЗАЛЛАР

Наманган пойафзал фабрикасининг ишчи, инженер-техник ходимлари СССРнинг олтин тўйи шарафига арзигули тўёна ҳозирлаш завқи билан меҳнат қилиб, ишлаб чиқаришда катта натижаларни қўлга киритаётиб лар. Ойлик ва квартал план топшириқлари доимо ошириб адо этиляпти. Маҳсулот сифати йил сайин яхшиланяпти ва тури кўпайтириляпти. Фабрика ижодкор ишчилари аёллар, эр каклар ҳамда мактаб ёшидаги болалар учун янги хил пойафзаллар ишлаб чиқаришни ҳам муваффақиятли ўзлаштиришди. М. Тошбоев, М. Иномов, Т. Ҳусанов, М. Жумабоев сингари социалистик мусобақа пешқадамлари смена топшириқларини муттасил 130-140 процент уддалаяпти.

Ҳ. Ботиров,
пойафзал фабрикаси ишчиси.

БИР КЕЧА-КУНДУЗДА 40 ТОННА ЁҒ

Беруний шаҳридаги ёғ-экстракция заводи — Ўрта Осиёда шу хилдаги корхоналар ичида йириги ҳисобланади. Завод 1957 йилда ишга туширилган. Ана шу ўтган қисқа давр мобайнида корхона беқиёс юксалди. Реконструкция қилиниб, ишлаб чиқариш қуввати бир неча баробар оширилди. Янги, ноёб унумдор ускуналар ўрнатилди. Ҳозир, заводда бир кеча-кундузда пландаги 30 тонна ўрнига 40 тоннадан зиёд ёғ ишлаб чиқарилмоқда. Корхонанинг Собир Пашаров, Қодир Жабборов, Ўртоқлар бошлиқ цех коллективлари мўл-кўл ёғ ишлаб чиқаришда пешқадамлик қилишаётир.

Ж. Султонов.

* * *

Шунингдек, конибодомлик А. Алиев, қаршилик М. Холмуродов, Б. Жабборов, самарқандлик А. Имомов, конимехлик А. Раҳмонов, тошкентлик А. Қодиров, А. Сухбатиллаев, бекободлик Р. Юнусалиев, андижонлик Р. Нминов, Ў. Холиқов, ульяновсклик М. Каримов, қўқонлик Г. Латиф, Б. Носиров, К. Олимова, ғурланлик Р. Жуматов, тўрткўллик З. Шорланов, чимбойлик К. Қобулов, фарғоналик И. Бекмамбетов, қувасойлик Х. Қаюмов, Х. Бурхонов, Т. Мирзақулов, наманганлик А. Аббосов, пайариқлик С. Мусаев сингари ўртоқлар ҳам ўзлари ишлаб турган ҳамда ишлаётган жойлардаги саноат корхоналаридан, қурилиш ташкилотларидан редакциямизга хушхабарлар йўллашган.

ХАБАРОТ

НАМАНГАН

ТАНСИҚ СУВ

Норин дарёси сувидан Наманган шаҳар аҳолиси ҳам баҳраманд бўлади. Дарё сувининг шағаллар орасидан ер остига сингиб кетаётган қисми насослар ёрдамида тортиб олинади. Бу, шаҳар аҳолисига ичимлик тансиқ сув сифатида хизмат қилади. Шу мақсадда Жийдакапа — Наманган водопровод тармоғи қуриляпти. У келгуси йили ишга туширилади. Водопровод тармоғининг биринчи навбати шаҳар аҳолисига бир кеча-кундузда ҳозиргига қараганда 50 минг куб метр ортиқ сув беради.

БОЛАЛАРНИНГ АВТОМОБИЛЬ ШАҲАРЧАСИ

Давлат автоинспекциясининг Наманган шаҳар бўлими қуча қондаларини ўргатиш мақсадида Пушкин номли маданият ва истироҳат боғида болаларнинг автомобиль шаҳарчасини ташкил этди. Ярим гектар майдонни эгаллаган шаҳарчага йўл ва кучаларнинг турли ҳолатдаги шакллари туширилган. Мандонга транспорт турларининг моделлари қўйилган. Милиционер формасидаги ўқувчилар ана шу жойда транспорт ҳаракатини бошқаришни ўрганадилар ва экскурсияга келган қўйи синф ўқувчилари ҳамда мактаб ёшидаги болаларга кўчада юриш қондаларини ўргатадилар. Уларнинг машғулотларига давлат автоинспекцияси ходимлари раҳбарлик қилишмоқда.

ХАЛҚ ЦИРКИ

Наманган шаҳар маданият саройи ҳузурида янги цирк бригадаси ташкил этилди. Баян Аляутдинова раҳбарлигидаги бу халқ цирки Наманган районидаги Калинин номли қишлоқ Совети ҳузурида биринчи марта ўз томошаларини кўрсатди.

ДОРИХОНАДА АВТОМАТ

Шаҳардаги Роза Люксембург кўчасида уч қаватли мухташам бино қад кўтарди. Ойна ва темир-бетондан тикланган бу бинога янги дорихона жойлашди. Дорихонада рецепт қабул қилиш, дори тайёрлаш ва уни харидорларга узатиш автомат ва ярим автоматлар ҳамда ускуналар зиммасига юклатилган. Буюртмалар бўйича уйга дори-дармон етказиб бериш учун иккита енгил машина ажратилди.

О. ЖУМАНАЗАРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ИШЧИЛАР ҲАҚИДА ҲИКОЯЛАР

ИККИ ДУГОНА

Фабриканинг тикув цехидамиз. Машиналарнинг бир маромда гувиллаши, уларни эпчиллик билан бошқараётган тикувчиларнинг вақтни қизғаниб, бош кўтармасдан ишда давом этиши гўё сизни ҳам бир зумда сеҳрлаб қўйгандек бўлади. Кенглик, гозалик, ишлаётганларнинг гулгун чеҳралари ва қайноқ меҳнат суроғи руҳингизни кўтаради.

Мана, қаршимизда турган машинани Ойбиби Жабборова ишлатяпти. Чорак асрдан бўён шу даргоҳда у. Ўрта бўй, бўғдойранг, истараси иссиқ аёл. Ҳаётда ўз ўрнини топган кишиларга хос ишонч, салобат бор унда. Одмигина кийинган. Шошилмасдан, жиддий қиёфада ҳаракат қилаётир. Четдан қараб турган киши, унинг ҳар куни 130 ўрнига 160-170 тадан шим бичаётганига ишонмагандек бўлади. Лекин ишонмай илож қанча? Қабул комиссияси ҳар куни тикувчидан бирма-бир саноб олади.

Ойбибининг сурункасига тўрт марта 126-шаҳар сайлов округидан область Советига депутатликка сайланиши кўпчиликнинг унга дилдирган катта ишонч ва чексиз ҳурматидир. Дарвоқе, ҳамма ишонч, ҳурмат ва обрў ҳалол меҳнат туфайлидир.

Ойбиби ишини тамомлагач, соатига қаради. Иш куни тугабди. Ўрнидан туриб халатини еча бошлаган ҳам эдики, цех эшигидан иккинчи сменалик дугонаси Онажон кириб келди.

— Хормасинлар энди. Бугун ошиб кетмадингми? — Онажон ундан сўради.

— Йўқ, сенга энди етиб олдим.

Онажон кулиб:

— Қандай қилсам сени оро йўлда қолдириб кетарканман-а? — дея ҳазиллашди.

Улар завқ билан кулишди. Онажон Рўзиметова Ойбибига ҳам дугона, ҳам «рақиб». Мусобақада голиблик гоҳ унисига, гоҳ бунисига муяссар бўлади. Ленин орденли О. Рўзиметова Урганч шаҳар партия комитетининг аъзоси. Сайланганига кўп бўлгани йўқ. Дугоналар В. И. Ленин номли тикувчилик фабрикасининг етакчи тикувчиларидан саналади. Уларнинг фабрикада кўплаб шогирдлари бор. Онабиби Авезова, Жамила Бобожонова, Сора Ўринбоева, Бибижон Бобоевалар ҳам кунлик нормаларини бажаришда устозларидан қолишмаётир.

Биз цех фаолияти билан чуқурроқ танишиш ниятида цех бошлиғи Г. Муравьева ҳузурида бўлдик, Галина Ивановна ён дафтарини варақларкан, қуйидагиларни ҳикоя қилиб берди:

— Тикув цехида ҳаммаси бўлиб 18 та бригада, 600 ишчи меҳнат қилади. Шулардан 9 бригада тунги сменада ишлайди. Ойбиби ва Онажон сингари тикувчиларимиз ўтган йилни қувончли ютуқлар билан якунлашди. Сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш ҳар қачонгидан кўпайди. Дастлабки олти ойда ҳам пландагидан анча кўп маҳсулот тайёрланди. Йиллик планни 24 декабрга қадар уддалашга қарор қилганмиз.

Цех бошлиғи яна кўп нарсалар ҳақида гапирди. Фабриканинг ташкил этилиши, юксалиш йиллари ва шу кунлардаги натижаларида икки дугонанинг ҳиссаси, фабрикадаги мавжуд резервларнинг ишга солинишида уларга кўрсатиладиган жонбозликлар ҳақида тўлиб-тошиб гапирди.

Чиндан ҳам О. Жабборова, О. Рўзиметова ва уларнинг из дошлари сингари юзлаб фабрика жонкуярларининг шижоати билан ойлик планлар цехда ошириб бажарилмоқда.

Тўққизинчи беш йилликда цех коллективи 36.257 сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариб, планни бир ой олдин адо этишга сўз беришган.

— Мўлжал жўда катта-ку? — сўрадик биз.

— Ғайратимиз ҳам шунга яраша, — деди цех бошлиғи.

— Ойбиби, Онажонга ўхшаган лар цехимизда бор экан, сўзимизнинг устидан чикамиз...

Суҳбатимиз ниҳоясига етди. Биз яна цех дастгоҳлари бўйлаб кетдик. Гувиллаган машиналар, чаққон тикувчилар ёнидан ўтдик. Боягидай суръат, боягидай гулгун чеҳраларни кузатдик. Ана, Онажон опа мокига ип ўраяпти. Ёнидаги ҳамроҳи навбатдаги газламани қўлига оляпти.

Тунги смена ишчилари аллақачон қизғин ишга киришиб кетган эдилар.

Р. ЗАРИПОВА,
Н. САЪДУЛЛАЕВА.

Ғўзаларим

(ПАРВАРИШНИ ПАПСАЛГА СОЛИБ, ҒЎЗАЛАРНИ ҒОВЛАТИБ ЮБОРГАН БИР ХЎЖАЛИК РАҲБАРИНИНГ ҲИРГОЙНИ).

Ғўзаларим, меҳнат аҳли терлаб эккан ғўзаларим,
Гоҳ ҳафталаб сув кўрмасдан, шона тўккан ғўзаларим.
Гоҳо сувга халқоб бўлиб, фиғон этган ғўзаларим,
Қаровимга кеча-кундуз кўзин тиккан ғўзаларим...
Сапқинингиз мунчалар ҳам ором экан, ғўзаларим!

Тегрангизда гир айланиб, «Волга» миниб ўтаман мен,
Сал чарчасам, маза қилиб, соянгизда ётаман мен,
Мажлисларда мўл ҳосилдан қоп-қоп гапни сотаман мен,
Рангингизга боққанимда, ҳижолатга ботаман мен...
«Ман-ман» деган жўхоридан бўйда бекам ғўзаларим!

Заб беармон ғовладингиз, тезлатмадим чеканкани,
Дедим, бирга дам олайлик, заҳмат чекиб эккан қани!
Ўйлабманки, бўй чўзсангиз, савлатингиз раҳбар шаъни...
Бегамликда тополмайсиз раҳбарлардан мендақани...
«Камол»ингиз кўриб дейман, «Олқиш теккан», ғўзаларим!

Соянгизда базм қурдик, қимиз ичиб, чақ-чақлашиб,
Тепамизда сайраб турди «тезотар»лар «вавақ»лашиб,
Ҳамтовоқлар чарчашмади, қўй ғўштидан кабоб ташиб,
Ғалвир сувдан олинганда, қолмасак бас бошни қашиб...
Билолмайман, шу қилмишим яхшимикан, ғўзаларим!...

Ўйлаб-ўйлаб эслолмайман бундай хилват яна қайда,
Аммо, излаб тополмайман, кўсак қайда, шона қайда...
Боз устига ҳашаротга бундан қулай хона қайда!
Комиссия келиб қолса, бекинмоққа пана қайда!...
Бегамлигим орқасида ғовлаб кетган ғўзаларим!...

Ҳиргойини оққа кўчирувчи:
Эргаш ЕНДОШ.

ҲАШАР КЎНГИЛЛИ ЎТДИ

Чуст шаҳри ва Косонсой посёлкаси саноат корхоналари ишчилари, қурилиш ва транспорт ходимлари хашарга чиқди. Улар Дам, Чустмон, Қўқимбой массивларида, Олмоссой ва Сирдарё қирғоқларидан ўт ўрдилар. Ҳашарда 3 минг киши қатнашди. Айниқса Чуст колхозлараро қурилиш бошқармаси, 2-тикувчилик фабрикаси ишчилари 45-60 тоннадан хашак ўриб, ибрат кўрсатдилар.

Ҳашар кунларида районда 1500 тоннадан ортиқ хашак тўпланди.

Т. ИНОМХОНОВ.

БИНОКОРЛАР ТОРТИҒИ

720 минг ўрнига 753 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари уддаланди. 50 ўринли касалхона, 300 тракторига мослаштирилган устахона, 865 квадрат метр уй-жой бинолари қўлдан чиқарилди. «Каракалпакирсовхозстрой» бошқармасининг Тахтакўпирдаги 15- кўчма механизациялашган колонна қурувчилари юбилей йилининг ҳар бир ойини катта меҳнат зафарлари билан якунлаётирлар. Улар областнинг колхоз ва совхозларида аҳоли учун кўплаб уй-жой, маъмурий ва маиший биноларни барпо этиб, аҳоли ҳурматига сазовор бўлмоқдалар.

Т. СЕЙТКАМОЛОВ,
Тахтакўпирдаги 15- кўчма механизациялашган колонна қурувчиси.

ИЧКИЛИК БОЗЛИК — ИЛЛАТ

ҲУШЁРХОНА „МЕҲМОН"ЛАРИ

Ишчилар шаҳарчасида бир киши ғизиллаб ўтиб турган троллейбус, автобусларни назар-писанд қилмай, чайқала-чайқала келарди. Ёқаси ҳонавайрон, камарига бир шиша ароқни қистирб олган. Йўловчилар унинг аҳволини кўриб, бири ачинса, бири куларди. У эса ҳаммани қулдиряпман деб ўйлаб, «санъати»ни намойиш қила бошлади. Шу пайт машинада милиция ходимлари келиб қолишди.

— Гражданин, нима қиляпсиз?

— Фокус кўрсатяпман.

— Фокуси бошқа ерда кўрсатасиз, ҳозир эса биз билан юрасиз.

— Биласанми, мен кимман, фокусчи Шаяхмедовман, Союзгосцирконинг фокусчисиман.

Лекин Шаяхмедовнинг керилиши фойда бермади, у ҳушёрхонада тунашга мажбур бўлди.

Ишдан сўнг ишчи-хизматчилар маданий дам олиш, ҳордиқ чиқариш учун кинотеатрларга, истироҳат боғларига борадилар. Баъзи бир ўртоқлар эса дам олишни ичкилик ичиш деб ўйлашади. Маст бўлиб, кўча-кўйларда йўловчиларнинг тинчлигини бузадилар.

Яқинда «Правда Востока» кўчасида уч киши ниҳоятда маст бўлиб, овозларининг борича сўкинишарди.

— Ўртоқ гражданлар, кўчада бундай бақириш ододдан эмас — деди бу аҳволни кўрган милиция ходими.

«Узбекконцерт» опера бўлимининг бошлиғи Асил Алихўжаев милиционерга ҳам гап бермади:

— Нега ақл ўргатасан? Қанчадан қанча кишиларга бошлиқман. Нима қилаётганимизни ўзимиз яхши биламиз.

— Алихўжаев, жамоат жойларида қаттиқ маст ҳолда юриш одобга кирмайди.

— Хўш, Тюминовчи, у рассом, ахир Намангандан келган. Меҳмонхонага кетиши керак.

— Ҳечқиси йўқ, бизда ҳам ҳушёрхона «меҳмонхона»си бор. Ҳақини ҳам тўлайсизлар. Шундай қилиб бу ўртоқлар ҳушёрхона меҳмонлари бўлишди.

Ачинарлиси шундаки, ҳушёрхонага «таш риф буюраётганлар» орасида хизматдаги лавозими жиҳатидан юриш-туришда, жамият қоидаларига риоя қилишда бошқаларга ўрнак кўрсатиши зарур бўлган кишилар ҳам учрамоқда. Бир мисол: Комсомол майдонида дарахтнинг панасида Федор Иванович на туроладиган, на юроладиган аҳволда топилди. Уни ҳушёрхонага келтирганларида кўзбўямачилик қилиб алдай бошлади. Гапидан «Узгипроводхоз» лойиҳа институтининг катта инженери эканлиги маълум бўлди. У ердан Кочедиковнинг аниқ уй адреси маълум бўлди. Эртасига милиция ходимлари ҳушёрхонага «таш риф буюраётганлар» орасида хизматдаги лавозими жиҳатидан юриш-туришда, жамият қоидаларига риоя қилишда бошқаларга ўрнак кўрсатиши зарур бўлган кишилар ҳам учрамоқда. Бир мисол: Комсомол майдонида дарахтнинг панасида Федор Иванович на туроладиган, на юроладиган аҳволда топилди. Уни ҳушёрхонага келтирганларида кўзбўямачилик қилиб алдай бошлади. Гапидан «Узгипроводхоз» лойиҳа институтининг катта инженери эканлиги маълум бўлди. У ердан Кочедиковнинг аниқ уй адреси маълум бўлди. Эртасига милиция ходимлари унинг уйига боришганда Кочедиковнинг турмуш ўртоғи эрининг кўп ичишидан, доим жанжал қилишидан ниҳоятда куйиниб гапирди. Собир Раҳимов районидаги ҳушёрхонага тушганлар рўйхатида Қишлоқ хўжалик министрлигида бўлим бошлиғи бўлиб ишловчи А. Орифжоновнинг, «Средазгипроводхлоп» институти бўлим бошлиғининг ўринбосари А. Постниковнинг, Тошкент шаҳар ижроия комитети капитал қурилиш бошқармасининг инженери Тетушкиннинг фамилиялари учрайди.

Ичкиликбозлик инсон соғлиғига зарар эканлигини ҳаммадан ҳам врачлар яхши биладилар. Ичкиликнинг заарли оқибатлари ҳақида кечгача гапирса ҳам гапи тугамайдиган кишиларнинг жамоат жойларида маст юришидан ҳунукроқ нарса бўлмаса керак. 18-поликлиника врачи Мақсудов «Победа» боғида маст бўлиб юрганда, 17-касалхонанинг бўлим бошлиғи А. Иброҳимов Калинин майдонида оёқда туролмайдиган ҳолда юрганда ҳушёрхонага келтирилган. Фрунзе районига қарашли 14-дорихонанинг бўлим бошлиғи А. Тошкентбоев, 63-мактабнинг ўқитувчиси А. Ҳамидов, 56-мактаб ўқитувчиси Х. Ҳакимов, 116-мактаб ўқитувчиси А. Орифжоновлар роса «кайф» қилиб юришганда ҳушёрхонага таклиф қилинди. Бундай кишиларга донолар гапини эслатиб қўймоқчимиз: ичма дўстим, масхара бўлмайсан.

М. РАШИДОВА.

ВИЗИТ ТУГАДИ

ВАШИНГТОН, 10 август. (ТАСС). Америка ҳукуматининг таклифига биноан АҚШда меҳмон бўлиб турган СССР соғлиқни сақлаш министри Б. В. Петровский бошчилигидаги Совет делегациясининг 10 кунлик визити тугади.

Шу вақт ичида Совет делегацияси АҚШнинг энг муҳим медицина муассасалари билан танишди, олимлар ва врачлар билан учрашди. Б. В. Петровский АҚШ соғлиқни сақлаш, маориф ва социал таъминот министри Э. Ричардсон билан медицина фани ва соғлиқни сақлаш соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида СССР ва АҚШ ҳукуматлари ўртасида тузилган битимни амалга оширишнинг конкрет масалалари юзасидан музокаралар олиб борди. СССР соғлиқни сақлаш министрини АҚШ Президенти Р. Никсон қабул қилди.

Бизнинг сафаримиз ғоят фойдали бўлди, деди Б. В. Петровский Совет делегацияси ўз юртига жўнаб кетишидан аввал ўтказилган матбуот конференциясида.

Министр иккала мамлакатнинг юрак-томир касалликларини даволаш ва олдини олиш соҳасидаги ҳамкорлиги муҳимлигини уқтириб, Қўшма Штатлар сингари Совет Иттифоқи ҳам бу соҳада катта муваффақиятларга эришганлигини таъкидлади. Б. В. Петровский СССРда ракни даволашга ва бу иллатнинг табиатини ўрганишга бениҳоя муҳим аҳамият берилаётганлигини ҳам айтди. Биз бир қанча химиявий дори-дармонларни айирбошлаш планини белгилаб олдик, деди у.

Америка Қўшма Штатларида АҚШ авиациясининг Вьетнам Демократик Республикаси территориясини бомбардимон қилишни авж олдириб юборганлигига қарши митинг ва намойишлар авж олиб кетди. Суратда: Пенсильвания штати коммунистлари иштирокида Вашингтонда ўтказилган норозилик намойиши. Намойишчилар «Йўқолсин диктатор Тхиеу тузуми», «АҚШ! Вьетнам ва Лаосдан қўлингни торт» деган шиорларни кўтариб боришаяпти. ТАСС фотохроникаси.

ЖАҲОН БЎЙЛАБ

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

◆ НИКОЗИЯ. Бу ерда ўн етти кунлик танаффусдан сўнг ички Кипр музокаралари яна бошланди. Бу музокаралар оролдаги грек жамоаси билан турк жамоаси ўртасидаги муносабатларни нормаллаштиришга ёрдам бермоғи лозим.

Музокараларда кипрлик грекларнинг вакили Г. Клиридис томонлар шу босқичда Кипрда маҳаллий, ўз-ўзини бошқариш органларининг тузилишидан иборат асосий проблемалардан бирини муҳокама қилмоқчилар, деди.

◆ НЬЮ-ЙОРК. Совет Иттифоқининг «Душанбагача омон бўлсак» бадиий фильмига Америка томошабинлари жуда қизиқиб қолди. Ушбу фильм Нью-Йоркнинг таниқли «Риженси» кинотеатрида намойиш қилинмоқда.

«Нью-Йорк пост» газетаси фильмни инсондаги катта ҳиссиётлар тўғрисидаги тўлқинлантирувчи фильм деб атади. Танқидчилар асосий ролларни ижро этувчилар — Вячеслав Тихонов, Ирина Печерникова ва бошқаларнинг ўйинини айниқса таъкидлаб ўтдилар.

◆ ВАШИНГТОН. АҚШ президенти Р. Никсон визит билан бу ерга келган СССР соғлиқни сақлаш министри Б. В. Петровскийни қабул қилди. Учрашувда СССРнинг АҚШдаги элчиси А. Ф. Добрынин қатнашди.

◆ САНТЬЯГО. Бу ерда Чили билан СССР ўртасида ҳар иккала мамлакат ўртасидаги дўстона муносабатларни янада кенгайтиришга қаратилган консуллик шартномаси имзоланди.

◆ ПХЕНЬЯН. Корея — Совет дўстлиги жамияти Марказий правлениесининг таклифига биноан Совет — Корея дўстлиги жамияти делегацияси бу ерга келди. Аэродромда делегацияни Корея — Совет дўстлиги жамиятининг масъул ходимлари, СССРнинг КХДРдаги элчихонаси ходимлари кутиб олдилар.

(ТАСС).

СОЦИАЛИСТИК МАМЛАКАТЛАРДА

«Лот» жаҳон ҳаво йўлларида

ВАРШАВА, 9 август. (ТАСС мухбири). Польша ҳаво флоти қанотларини тобора кенг ёймоқда. Польша ҳаво алоқа жамияти «Лот» йўллари ПХРнинг турли қитъалардаги 24 давлат билан, шу жумладан СССРнинг уч шаҳри билан боғлаб турибди.

Келаси йил Польша Америка қитъаси билан ҳаво алоқаси ўрнатади. Бу йўлда СССРдан сотиб олинган «ИЛ-62» самолётлари учади. Шу йилнинг декабрида Польша самолётлари Польша ҳаво флоти тарихида биринчи марта Австралияга бориб қўнади. Варшава — Тошкент — Мельбурн — Сидней трассасидаги биринчи рейс 23 ярим соат давом қилади. У Европа қитъаси билан Австралия қитъаси ўртасидаги энг тез алоқа бўлади.

Авиация йўллари кенгайтирилиши билан бирга эски аэропортлар реконструкция қилинмоқда ва янгилари қурилмоқда. Варшаванинг Окинче аэропорти реконструкция қилинмоқда. Жешувдаги ҳаво вокзали қайта ускуналангач халқаро классдаги аэропорт бўлиб қолади. Болтиқ соҳилида аэропорт қуриш мўлжалланмоқда.

Балиқ овлаш флоти кучаймоқда

ГАВАНА, 9 август. (ТАСС мухбири). Куба балиқчиларининг фидокорона меҳнати яхши ов билан тақдирланмоқда. Улар сўнгги ўн икки ойнинг ўзидагина 130 миллион тоннадан зиёд балиқ, креветка ва лангуст овладилар ва 1970—1971 йилнинг шу давридаги овдан қарийб 16 минг тонна ошириб юбордилар.

Ҳамма томони денгиз билан ўралган Кубада революциягача «кемасозлик», «навигация», «балиқ овлаш саноати» деган сўзлар ишлатилмасди. Эндиликда соҳил бўйи сувларининг ўзида неча юзлаб балиқ овловчи катта-кичик кемалар туну-кун ов қилмоқда. Бу кемаларнинг кўплари Кубанинг ўзида қурилган. Миллий кемасозлик саноати истиқболлари янада каттадир: 1976 йилга бориб Куба кемасозлик корхоналари 600 дан ошиқ катта ҳажмли балиқ овловчи кемалар ясаб сувга туширади.

Сўнгги йилларда Кубанинг ов географияси анча кенгайди. Куба байроғини тиккан кемаларни Атлантикада, Тинч океанда ва Ҳинд океан сувларида учратиш мумкин. Кубанинг олис денгизларга ҳам бориб қайтувчи ов флотида Совет Иттифоқи, ГДР, Япония ва бошқа мамлакатлардан харид қилинган 50 дан ортиқ катта кема ва сузувчи балиқ заводлари бор. Овланган балиқни кеманинг ўзида консерва қилиш ёки унга айлантириш, балиқни совутган ҳолда чет эл портларига ёки ватанга элтиш мумкин.

ВЕНЕСУЭЛА— СССР ЮБИЛЕЙИГА

КАРАКАС. (ТАСС). Совет маданияти ва фани дўстлари маркази ижроия кенгашининг раиси профессор Родольфо Кинтер матбуот конференциясида нутқ сўзлаб бундай деди: Венесуэланинг тараққийпарвар жамоатчилиги бу йил жаҳондаги барча халқлар билан бирга Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил топганлигининг 50 йиллигини нишонлайди. СССРнинг ташкил топганлиги, деб таъкидлади у, «Тенгҳуқуқлилик ва кўпмиллатли давлат составига кирувчи халқлар дўстлиги принципларига асосланган ана шундай давлатни вужудга келтириш» имкониятини инсоният тарихида биринчи марта намойиш қилди.

Марказ яқинлашиб қолган шонли сана билан СССР халқларини қизғин қутлаб, совет халқи эришган ютуқларга қойил қолганлигини билдиради.

Ана шу жамоат ташкилотининг ташаббуси билан Венесуэлада шонли сана шарафига виставкалар очилади, Совет кинофильмларини кўрсатиш ташкил қилинади, радио ва телевидение венесуэлаликларни СССР ҳаёти билан таништиради.

СОВЕТ ТАЖРИБАСИ БИЛАН ТАНИШИШ

СССР Қишлоқ хўжалиги министрлигининг таклифига биноан Ҳиндистон қишлоқ хўжалиги министрлигининг ерни ўғитлаш департаменти бошлиғи С. Р. Баруа бошчилигидаги олимлар ва мутахассислар делегацияси Москвага келди. Меҳмонлар мамлакатимизда уч ҳафта бўладилар. Улар Молдавия, Ўзбекистонга борадилар, Бутуниттифоқ ўғит ва агротупроқшунослик илмий-тадқиқот институти иши билан танишадилар.

9 августда СССР Қишлоқ хўжалиги министрлигида суҳбат бўлиб ўтди. С. Р. Баруа тупроқни анализ қилиш, ўғит солиш, ўсимликларни муҳофаза қилувчи химиявий воситалардан фойдаланиш борасида Совет Иттифоқи орттирган тажриба Ҳиндистон учун ғоятда ибратлидир, деди. Биз, деди меҳмон, шу тажрибани ўрганиб чиқиб, ватанимизда кенг кўламда қўлланамиз, деб умид қиламиз.

(ТАСС).

ДУНЁ ХАРИТАСИ ОЛДИДА

ЧАД БАЙРАМ ЛИБОСИДА

Бундан ўн икки йил муқаддам, 1960 йилнинг 11 августида Чад республикаси мустамлакачилик сиртмоғини улоқтириб ташлаб мустақил ҳаёт йўлига кирди. Ўшандан буён бу кун мустақиллик байрам сифатида нишонлаб келинади.

Чад республикаси Африка қитъасининг марказий қисмига жойлашган бўлиб, унинг майдонига Франция, Испания ва Англияни бемалол жойлаштирса бўлади. Мамлакат аҳолиси эса 3,5 миллион кишидан бироз ошиқроқ. Республика Шимолда Саҳрои Кабирга туташиб кетган, Жануби-ғарбда эса «сеҳрли» Чад кўлига чегарадошдир. Бу кўл кўп вақтлар давомида географлар бошини қотирувчи жумбоқ бўлиб келди. Чад кўлига улкан Шари дарёси келиб қуйилади. Лекин ундан бирор жилға ҳам оқиб чиқмайди. Шундай бўлишига қарамай, кўлнинг суви кўпаймайди, аксинча камайиб туради. Чад кўли унча чуқур эмас, уни бемалол кечиб ўтса бўлади. Аммо кўлда ғиж-ғиж бўлиб ётган тимсоҳларни кўргач, бунга кимнинг ҳам юраги бетларди. Кўлда ва унга келиб қуйилувчи Шари дарёсида балиқ жуда кўп. Папирус ўсимлиги билан қопланган кўл соҳили қушлар жаннати ҳисобланади. Чад бўйи турна, бирқозон, лайлакларнинг қарорғоҳига айланиб қолган. Мамлакатнинг бепоён чўлларида оҳу, кийик ва жирафалар, тропик ўрмонларида эса маймунлар, тўнғиз ва каркидонлар беҳисоб.

Ўрта асрлардаёқ мамлакат территориясида Канем, Багхирми, Видаи сингари султонликлар вужудга келиб, улар мустақил, ривожланган давлатларга айланган эдилар. 1892—94 йилларга келиб «африкалик Наполеон» номи билан машҳур бўлган араб лашкарбоши Рабех бу султонликларни бирлаштириб, ягона давлат тузишга муваффақ бўлди. Бироқ бу давлат узоқ яшамади. Европа давлатлари Африка мамлакатларини босиб олишни авж олдириб юборган эдилар. 1900 йилда Чадга қарши Франциянинг учта ҳарбий экспедицияси ташланди. Ҳарбий техникаси устун бўлган француз қўшинлари Рабех армиясини тор-мор келтиришди. Рабех шу жангда ҳалок бўлди. Чад Англия, Франция ва Германия ўртасида бўлиб олинди. 1960 йилга келибгина мамлакатда яна мустақиллик ўрнатилди.

Чад республикаси аҳолисининг 90 проценти деҳқончилик билан шуғулланади. Асосан пахта, тариқ, маккажўхори, ер ёнғоқ етиштирилади. Пахта мамлакатнинг асосий бойлигидир. Ташқи бозорга чиқарилаётган экспортнинг 80 процентини пахта ташкил қилади. Президент Франсуа Томбалбай бошлиқ Чад республикасининг ҳукумати бугунги кунда мамлакатнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш, иқтисодий қолоқликни тугатиш ва қишлоқ хўжалиги билан бир қаторда саноатни ривожлантириш учун курашмоқда.

Ташқи сиёсат соҳасида ҳарбий блокларга қўшилмаслик ва барча мамлакатлар билан ҳамкорлик қилиш принципларига амал қилаётган Чад республикаси билан Совет Иттифоқи ўртасида яхши муносабатлар қарор топди. Ҳар икки давлат ўртасида иқтисодий ҳамкорлик тўғрисида шартнома имзоланди. Ана шу шартномага мувофиқ Совет Иттифоқи медицина мактаби қуришда, тош йўл ётқизишда, шунингдек қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда Чад халқига ёрдам бераётир. Бу ёрдам, шубҳасиз, бугун ўз мустақиллигининг 12 йиллигини байрам қилаётган ёш Чад республикасининг халқ хўжалигини ривожлантиришда ва мамлакатларимиз ўртасида дўстона алоқаларни мустаҳкамлашда катта роль ўйнайди.

Ф. ШОҲИСМОИЛОВ.

Гвинея ва Яшил бурун ороллари Африка партияси (ПАИГК)нинг таклифига биноан БМТнинг махсус делегацияси Гвинея (Бисау)нинг озод қилинган районларига келди. Делегация аъзолари мустамлакачилардан озод қилинган жойлардаги халқлар ҳаёти билан танишиб чиқишди. Суратда: делегация аъзолари озод қилинган райондаги қишлоқлардан бирига ташланган ва портламай қолган бомбани кўздан кечирмоқдалар. ТАСС фотохроникаси.

ШАХМАТ

«МАЙИН ШАБАДА»

Ҳозирги замон шахматининг отаси — қадимги Ўрта Осиё шатранжида энг кучли дона рух ҳисобланган. Фарзин бир хонага юролган, холос. Афсонавий баҳайбат қуш — Рух тўғрига қараб учиб, йўлида нимаики учраса емириб ташлайди, дейилади афсонаю риводтларда. Бундай хусусиятга эга бўлган энг кучли шатранж донасининг қурбон берилишига асосланган комбинациялар юксак даражада қадрланганлигининг боиси шу.

Эндиги зўр дона вазири аъзам — фарзин экан, гроссмейстерлар курашида унинг роли қанчалик улканлиги ўз-ўзидан маълум. Мот қилишга кўзи етмаган шахматчининг фарзинни беришга жазм айлаши маҳол нарса. Марказда турган фарзин тахтадаги матакларнинг қарийб ярмисини ўз зарбаси остига олади. Шундай забардаст сипоҳнинг ҳаракат доирасини торайтира билишнинг ўзи катта гап. Уни тузоққа илинтириш-чи?! Спасский — Фишер матчининг 10-партиясида даъвогар бунга қисман, ўн биринчисида эса чемпион бутунлай эришди.

Шахмат тожи учун ўтган кураш тарихига назар ташлар эканмиз, учрашувларнинг кўпи дуранг бўлганлигини кўрамиз. Чунончи, 1927 йилги Капабланка — Алехин матчида жами 34 партия ўйналиб, шундан 25 тасида рақиблар дурангга имзо чекишган. 45 йилдан кейин ўйналаётган Спасский — Фишер матчида эса 11 учрашувдан фақат 3 тасигина дуранг бўлди, холос. Ҳа, бу ҳам сира имконият қолмагандагина рўй берди. Кескинлик шу даражага бориб етди.

Мусобақанинг биринчи ярмига якун ясовчи 12-партияда томонлар машҳур фарзин гамбитининг ортодоксал вариантини ишга солдилар. Бу усул ўша Капабланка — Алехин тарихий матчидаёқ улкан синовдан ўтказилган, кейинчалик чуқур таҳлил қилинган дебют схемаларидандир. Бу икки забардаст шахмат лашкарбошиларининг улкан хизматлари шуки, салкам юз йил мобайнида назариётчилару амалий ўйинчилар «илма-тешик» қилиб ташлаган системалар, вариантларга жон киритмоқдалар.

Ҳарифлар (рақиблар) учрашувнинг дебют қисмига — дастлабки 15 юришга бир ярим соат вақт кетказдилар, холос. Аммо бир хил эмас: ярим соат Спасский, бир соат Фишер ўйлади. Спасскийнинг (қоралар) 23-юришидан сўнг тахтада шундай вазият содир бўлди.



Бу вазиятда томонларнинг имкониятлари тахминан баравар. Гроссмейстерлар оҳиста маневрлар билан машғул бўлар эканлар, рақиб қароргоҳида бирон-бир заифлик барпо қилишга қурбилари келмади. Шу орада яна биттадан от алмаштирилди. Бу ҳам мувозанатни бузмади.

Қирқинчи юришга борганда белгиланган беш соатлик ўйин муддати тугаб, Фишер ўзининг 41-махфий юришини ёзиб конвертга солиб қўйди. Тахтада анчагина дона: фарзинлар, биттадан рух, иккитадан сипоҳ ва бештадан пиёда бор. Шунга қарамай, вазиятни чигаллаштириш осон эмасди. Даъвогар кечиктирилган позицияни чигаллаштиришга ҳаракат қилиб кўрди. Лекин чемпион бир неча аниқ юришлар қилиб, Фишерни 56-юришда дурангга мажбур этди. Ҳисоб даъвогар фойдасига 7:5 бўлди.

Гроссмейстерлар биринчи марта оҳиста жанг қилдилар. II «раунд»и тинкани қуритган бу олишувнинг ўн иккинчисида шундай бўлиши тасодифий ҳол эмас. «Полвонга ҳам жон керак» дейдилар-ку. Бу — бир ойлик қаттиқ бўрондан кейинги илиқ шабада бўлди.

М. МУҲИДДИНОВ,
СССР спорт мастери.

ФУТБОЛ

ДУРАНГЛАР ТУРИ

Ўтган куни мамлакат футбол чемпионати олий лига командалари ўртасида навбатдаги тур мусобақалари бўлди. Навбатдаги турнинг ўзига хос хусусиятларидан бири ўйинлар якунида дуранг натижалар қайд қилинганидир. Бокунинг «Нефтчи» командаси Москва армиячилари билан ва Ворошиловграднинг «Заря» командаси Москва локомотивчилари билан учрашувни 1:1 ҳисобида тугалладилар. Олмаота қайратчилари билан Ленинград зенитчилари ўйинида ҳисоб очилмади. Тбилиси динамочилари ҳамда Москва торпедочилари иккитадан тўп киритиш билан кифояландилар. Днепропетровскнинг днепрчилари ва Киев динамочилари ўйинида ҳам шу ҳисоб такрорланди. «Арарат» Минскнинг «Динамо»сини 2:1 ҳисобида мағлубиятга учратди. «Спартак» (Москва) — «Карпат» (Львов) ўйини 3:1 билан тугади. Ростовлик армиячилар Москва динамочиларига 3:0 ҳисобида ютқазиб қўйдилар.

Редактор **М. ҚОРИЕВ.**

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

10.55 — ТОШКЕНТ. 11.00 — **Ёзги ҳикоялар** (бадиий фильм). 12.30 — МОСКВА. 17.55 — ТОШКЕНТ. 18.00 — Болалар учун спорт кўрсатуви. 18.30 — Ахборот. 18.45 — Ишчи қўллари. 19.30 — Телеочерк. 20.00 — Жасорат (Москва). 20.30 — Ахборот. 20.50 — Совет кино санъати усталари. **А. Михалков-Кончаловский.** 22.00 — «Вақт». 22.30 — «Ноз-неъмат бунёдкори». 23.00 — **Қизлар** (бадиий фильм).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

18.05 — МОСКВА. 20.00 — ТОШКЕНТ. Врач маслаҳати. 20.15 — Ҳужжатли фильм. 20.30 — МОСКВА. 20.40 — Телеспектакль. 22.00 — ТОШКЕНТ. 22.15 — Реклама ва эълонлар. 22.30 — МОСКВА.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

20.00 — ТОШКЕНТ. 20.30 — «Тўлқинда — 0.2». 21.00 — **Очилган қўриқ** (бадиий фильмнинг 3-серияси).

РАДИО БУГУН

6.15 — Тонгги концерт. 7.40 — Ҳ. Шарипов шеърлари билан айтиладиган қўшиқлар. 8.25 — Экран куйлари. 9.30 — **«Ер ва эл»** радиожурнали. 11.15 — **«Биз шаҳар қурмоқдамиз»** (русча). 11.30 — М. Юсупов. Халқ темаларидаги вокал сюита. 12.15 — Ўзбек классик куйлари. 13.30 — А. Скрябин ва А. Лядовнинг фортепьяно куйлари. 16.10 — Ёшлар учун музикали соат. 16.50 — **«Правда»** газетасининг обзори. 17.00 — Иттифоқчи республикалар санъат усталарининг концерти. 18.00 **«Коммунистик аҳлоқ ва тарбия мавзуларида».** С. Ўтаповнинг **«Ёшларни совет ватанпарварлиги руҳида тарбиялаш»** деган суҳбати. 18.10 — Ўзбек лирик қўшиқлари. 19.20 — Радио эшитувчиларнинг талабларига мувофиқ концерт (татарча). 20.00 — **«Узбекистон индустриальный»** радиожурнали ва саноат ходимлари учун концерт. 21.00 — **«Қардош коммунистик партиялар ҳаётидан».** 21.10 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун кечки концерт. 21.40 — Москва. 22.30 — Театр микрофон олдида.

ТЕАТР

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 11/VIII да **Менинг жаннатим,** 12/VIII да **Лақма** (қишки бинода).

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Қароқчи-қариялар — «ЎЗБЕКИСТОН», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «ДРУЖБА», «ВОСТОК» «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун). «СПУТНИК» (кундуз соат 11, 3, 4 ва кеч 9 да).

Туман тарқалгач... — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

Дунё (2 серия, ўзбек тилида) — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Садоқат — «СПУТНИК» (кундуз соат 12. 1. 5, ва кеч 6, 8 да).

Менинг исмим — масхарабоз (3 серия) — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз соат 11 ярим. 4 ва кеч 8.15 минутда).

Ёмон об-ҳаводан яхши нима бор? — ҲАМЗА номли (кундуз ва кечқурун).

«Минмонтажспецстрой» базасидаги
83-ШАҲАР ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1972—1973 ўқув йилига қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

электр пайвандчилар, слесарь-электрмонтажчи, умумий монтаж ишлари ва умумий фойдаланишдаги ускуналар бўйича слесарь-монтажчи (ўқиш муддати — 1 йил); **электр-газ пайвандчи, слесарь-сантехник, вентиляция ва ҳавони кондиционерлаш системаларини монтаж қилиш бўйича слесарь-вентиляциячи** (ўқиш муддати — 2 йил).

Билим юртига 6-10 синф маълумоти бўлган 15—17 ёшдаги йигитлар қабул қилинади.

Билим юртини тугатганлар аттестат оладилар. Билим юртидаги ўқиш даври узлуксиз ишлаб чиқариш стажига киради.

Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Ўқувчилар уч маҳал бепул овқат, усти-бош ва ётоқхона билан таъминланадилар, ишлаб чиқариш таълими олаётганларида иш ҳақининг 33 процентини оладилар. Ўрта маълумотли ўқувчилар билим юртини битириб чиққандан сўнг олий ўқув юртининг сиртқи ва кечки бўлимига конкурссиз киришлари мумкин.

МАШҒУЛОТЛАР — 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: директор номига ёзилган ариза, таржимаи ҳоли, туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти тўғрисидаги гувоҳнома (асл нусхаси), иш жойидан справка, 6 дона фотосурат (3х4 см.), мактабдан берилган характеристика.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Ҳамза району, Оқдарё кўчаси, 122-уй (15, 26-автобусларнинг «Поликлиника», 7, 52, 12, 102, 125-автобусларнинг «Масложиркомбинат» бекатлари).

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ
қуйидаги вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

кафедра мудирлари (фан докторлари, фан кандидатлари, профессорлар, доцентлар): КПСС тарихи, теплотехника, толали материалларнинг механик технологияси, тикувчилик буюмлари технологияси, тўқувчилик жисмоний тарбия ва спорт.

Конкурс муддати — 9 сентябргача.

Ҳужжатлар қуйидаги адресга юборилсин: Тошкент шаҳар, ГСП, 2-Выборг кўчаси, 5-уй.

86-ШАҲАР ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1972—1973 ўқув йили учун қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

металл бўйича токарлар, электр пайвандчилар, электр кўприкли кран машинистлари — ўқиш муддати бир йил; саноат ускуналарини ремонт қилиш бўйича слесарлар — ўқиш муддати 2 йил.

Билим юртига ёши 14 ва ундан катта бўлган, 8-10 синф ҳажмида маълумоти бўлган йигит ва қизлар қабул қилинади.

Билим юртига қабул қилинганлар бепул ётоқхона, уч маҳал овқат, уст-бош билан таъминланади.

Электр кўприкли кран машинистлари группасидаги ўқувчиларга ойига 40 сўмдан стипендия тўланади.

Ўқиш муддати узлуксиз иш стажига киради.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар зарур: директор номига ёзилган ариза, таржимаи ҳоли, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти тўғрисида гувоҳнома ёки аттестат, яшаш жойидан справка, 6 дона фотосурат (3х4 см.), характеристика.

Машғулотлар 1 сентябрдан бошланади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент-52, Огородная кўчаси, 15-уй (4, 5-троллейбуслар, 21-автобус, «Экскаватор заводи» бекати).

«ИРМОНТАЖСТРОЙ» ТРЕСТИНИНГ ИШГА ТУШИРИШ-СОЗЛАШ ИШЛАРИ БЎЙИЧА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН БОШҚАРМАСИГА

Бутуниттифоқ зарбдор комсомол қурилиши — Қарши магистрал каналида ишлаш учун юқори вольтли ускуналарни созлаш ҳамда контроль ўлчаш асбоблари ва автоматикаси бўйича инженерлар ва техник-электриклар, контроль-ўлчов асбоблари ва автоматикани монтаж қилиш ҳамда иккиламчи коммутация қилиш бўйича V-VI разрядли электр монтажчилар

КЕРАК

Қарши магистрал канали зонасида ишловчиларга 1,68 имтиёзли коэффициенти тўланади. Командировка ҳақи умумий қоидалар асосида тўланади.

Ёлғиз кишилар иш жойида ётоқхона билан таъминланади.

Мурожаат учун адрес: Қарши шаҳар, Бешкент шоссесининг 2-километри, ишга тушириш-созлаш ишлари ихтисослаштирилган бошқармасининг Қаршидаги участкаси (33-ПМК биносида);

Тошкент шаҳар, У. Юсупов кўчаси, 8-уй, телефон 44-64-84.

Тошкент политехника институти ректорати, партия ва жамоат ташкилотлари институт доценти М. А. Азимовга отаси

Азим МУСАЖОНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ — бизнинг адрес ва телефонлар: 700.000 ГСП. ТОШКЕНТ «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ № 26. Редактор — 336545. Редактор ўринбосарлари — 337914, 330683. Масъул секретарь — 334455. Масъул секретарь ўринбосарлари — 337283. Партия турмуши —333469, 337221. Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш — 331455. Халқаро ҳаёт — 337221. Саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 334780. Совет қурилиши — 333258. Қишлоқ хўжалиги — 337604. Адабиёт ва санъат — 332036. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари —334451. Маҳаллий ахборот ва спорт— 331424. Оммавий ишлар ва хатлар — 332143, 333553. Иллюстрация— 334524. Стенографистка— 337343. Корректура — 337162. Эълонлар — 338142. Коммутатор — 330249, 330250, 330251, 330252, 330253, 330254, 330255, 330256, 330257, 330258. ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ. Андижон — 48—85. Бухоро —3—31—42. Қарши — 38—42. Нукус — 42—62. Самарқанд — 31—972. Термиз — 55—35. Урганч — 34—55. Фарғона — 4—29—44.

Орган Центрального Комитета Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Б. — 187. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64697. Р. 04385.